



## POSTDA

GAZETA 1930-YIL 12-MAYDAN CHIQA BOSHLAGAN

2009-yil 18-iyul, shanba

№29(3819)

## ЎЗБЕКИСТОН ҒАЛЛАКОРЛАРИГА

Қадрли дўстлар!

Сиз азиз деҳқон ва фермерларимизни, барча дала меҳнаткашларини бугунги катта меҳнат ғалабангиз – мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги тарихида биринчи бор 6 миллион 610 минг тоннадан зиёд улкан ғалла хирмони бунёд этганингиз билан чин қалбимдан самимий табриклайман.

Деҳқонларимизнинг пешона тери ва машаққатли меҳнати эвазига эришилган бу улуг ғалабанинг моҳиятини азал-азалдан ҳар қайси хонадон ва юртининг тўқлиги, фаровонлиги тимсоли бўлиб келаётган нонни кўзига тўтиё қилиб яшайдиган халқимиз чуқур англайди ва юксак қадрлайди.

Инсоннинг ризқ-рўзи бўлмиш дон экинларини ўстириш, табиий офат ва иқлим инжиқликларидан асраш ва ҳимоя қилиш, уларни парвариш этишда ҳар мавсумда учрайдиган минг битта қийинчиликни енгиб ўтиш, ҳар бир бошбоқ устида парвона бўлиб, пишиқ етилган ҳосилни нобуд қилмасдан йиғиб-териш олиш, хирмонга ва истеъмолчиларга етказиб бериш – буларнинг барчаси қандай оғир меҳнат ҳисобидан бўлиши ҳеч кимга сир эмас.

Кейинги йилларда жаҳон миқёсида ғаллачилик соҳаси катта қийинчилик ва муаммоларга дучор бўлаётганига, шу билан бирга, дунёда истеъмолчиларнинг сони кўпайиб, дон маҳсулотларига бўлган талабнинг тобора ортиб бораётгани, озик-овқат хавфсизлигини таъмин-

лаш масаласининг кун тартибидан кескин ўрин олаётганига ҳаммамиз гувоҳ бўлмоқдамиз.

Шу маънода, Ўзбекистонимизнинг ғалла мустақиллигига эришгани ва сўнгги йилларда юртимизда дон тайёрлаш ҳажми мунтазам ўсиб бораётгани, халқ хўжалиги ва аҳолиимизнинг эҳтиёжларини тўлиқ таъминлаш билан бирга, етиштирган ғалламизни экспорт қилишга муваффақ бўлганимизнинг ўзи нафақат иқтисодий, керак бўлса, сиёсий-стратегик аҳамият касб этиб, кўнглимизни ифтихорга тўлдирмоқда ва эртанги кунга бўлган ишончимизга мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Барчамизга аёнки, бу йилги мўл ҳосил осонлик билан қўлга киритилгани йўқ. Аввало, ўтган йилнинг куз мавсуми ғаллачилик учун ноқулай келгани, баҳор фаслининг эса ниҳоятда серёғин бўлиб, қутилмаган дўл, сел ва жала оқибатида қуёш ҳароратининг етарлича бўлмаганини, қишлоқ хўжалигидаги турли хил зараркунанда ва касалликлар деҳқонларимизни яна бир бор жиддий синовдан ўтказганини эслаш ўринлидир.

Лекин ҳаёт қийинчиликларидан тобланган, иродаси бақувват, ернинг сирини чуқур биладиган, замонавий аграр технологияларни пухта ўзлаштирган деҳқон ва фермерларимизнинг тинимсиз ва фидокорона меҳнати бугунги мана шундай улкан ғалабага замин яратди, десак, ҳар томонлама тўғри бўлади.

Айни пайтда фермерлик

ҳаракатини мустаҳкамлаш мақсадида бу борада бугун ҳаётнинг ўзи талаб қилаётган имтиёزلарни яратиб, унинг ривож учун янада кенгроқ йўл очиб бераётганимиз, ўтган йили фермер хўжаликлари майдонларини оптималлаштириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, ғалла навларини ҳар бир ҳудуднинг тупроқ ва иқлим шароитига, сув билан таъминланиш даражасига қараб жойлаштириш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилгани, минерал ўғитлар, сифатли уруғлик, ёқилги-мойлаш материалларининг фермер хўжаликларига ўз вақтида етказиб берилгани, мавжуд комбайнларга қўшимча равишда бу йилги мавсум учун 140 та янги комбайн сотиб олингани ҳам деҳқонларимизга катта куч ва мадад бўлганини қайд этиш жоиз.

Эришилган бу ютуқнинг миқёси ва салмоғи ҳақида гапирганда, мамлакатимиз бўйича сўғориладиган ерларда ҳосилдорлик ўтган йилга нисбатан ўртача 2 центнерга ортиб, гектарига 50 центнерни ташкил этганини алоҳида таъкидлаш лозим. Андижон, Қашқадарё, Сурхондарё, Бухоро, Тошкент, Фарғона вилоятларида эса бу кўрсаткич 53-62 центнердан ошгани айниқса таҳсинга лойиқдир.

Шулар қаторида Пахтаобод, Марҳамат, Қўрғонтепа, Балиқчи, Учқўрғон, Норин, Қарши, Косон, Иштихон, Тошлоқ, Ангор, Музработ, Бухоро, Пешку, Гурлан, Хўжайли каби туманларда ҳосилдорлик 56-66 цен-

тнерга етганини барчамиз деҳқонларимизнинг пировард натижаларга эришиш йўлида сафарбарликни ошириб, қандай ютуқларни қўлга киритишга қодир эканининг яққол намоёни сифатида қабул қиламиз.

Энг муҳими, бу йилги етиштирилган мўл ҳосилнинг 3 миллион 800 минг тоннадан зиёди, яъни ярмидан кўпроғи бевосита фермер хўжаликлари ва аҳоли ихтиёрида қолдирилгани, айрим туманларда бу рақам 60-70 фоизни ташкил этаётгани, деҳқонларнинг омборлари донга, қут-баракага тўлиб бораётгани уларнинг ўз меҳнатидан катта манфаат топаётганининг амалий ифодаси, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Буларнинг барчаси, ўз навбатида, қишлоқ аҳлининг ҳаёт даражасини юксалтиришга, “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили”нинг бош мақсадмуддаосини, яъни қишлоқ тараққий топса, юртимиз обод, ҳаётимиз янада фаровон бўлади, деган эзгу гоёни амалга оширишга хизмат қилади, иншоолло.

Шу борада фермерларимизнинг ён-атрофда, мамлакатимизда юз бераётган жараёнларга фаол муносабати, дахлдорлик ва масъулият туйғуси тобора кучайиб, фермерлик ҳаракатининг ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда том маънода ҳал қилувчи кучга айланиб бораётгани айниқса эътиборлидир.

Бу йилги ғалла мавсумини яқунлар эканмиз, барчамиз келгуси йил ҳосилига замин

яратиш ҳақида ўйлашимиз, бунинг учун деҳқончилик маданиятини юксалтириш, серҳосил навларни кўпайтириш, доннинг сифати ва истеъмол хусусиятларини янада ошириш, бу борада илм-фан ютуқларидан самарали фойдаланиш бўйича бошлаган ишларимизни изчил давом эттиришимиз зарурлигини, албатта, ўзимизга яхши тасаввур қиламиз.

Ишончим комилки, республикамиз қишлоқ хўжалиги ходимлари пахта ва бошқа экинлардан ҳам мўл ҳосил етиштириб, бу йилги мавсумни барча соҳалар бўйича ёруғ юз билан яқунлайдилар.

Фурсатдан фойдаланиб, мана шу қувончли кунда фермер ва деҳқонларимизни, қишлоқ хўжалиги мутахассислари, механизатор ва комбайнчиларни, бу улкан ғалабага муносиб ҳисса қўшган барча инсонларни яна бир бор қизгин табриклаб, ўзимнинг самимий тилакларимни изҳор этаман. Ўз меҳнати билан юртимизни ҳар томонлама обод ва фаровон қилаётган захматкаш ва фидойи юртдошларимизга бутун халқимиз номидан таъзим қиламан.

Доимо соғ-саломат бўлинг, меҳнатингизнинг роҳатини кўринг, хонадонларингиздан тинчлик-хотиржамлик, файзу барака аримасин, қадрдонларим!

**Ислом КАРИМОВ,**  
**Ўзбекистон**  
**Республикаси**  
**Президенти.**

ИИВ ҲАЙЪАТИ  
МАЖЛИСИДА

**Ўзбекистон Республикаси**  
**ИИВ Ҳайъатининг навбатдаги**  
**мажлиси бўлиб ўтди. Уни Ички**  
**ишлар вазири, генерал-лейтенант**  
**Б. Матлюбов олиб борди.**

Дастлаб республика ички ишлар идоралари томонидан 2009 йилнинг биринчи ярим йиллигида тезкор хизмат фаолиятининг яқунлари, жинойatchиликка қарши кураш, шунингдек, қонунчиликни мустаҳкамлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш вазифалари муҳокама қилинди.

Шундан сўнг йиғилиш қатнашчилари Сирдарё ва Жиззах вилоятлари ИИБлари тизимида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уни такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган ишларнинг аҳволи билан таништирилди.

Мажлис сўнггида Ўзбекистон республикаси Ички ишлар вазирлиги Ҳайъатининг 2009 йил иккинчи ярим йиллиги иш режаси тасдиқланди.

Ҳайъат мажлисида Бош бошқармалар, қатор вилоятлар ИИБлари раҳбарларининг муҳокама қилинган масалалар бўйича ҳисоботлари ҳам тингланди.

Қўриб чиқилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўз мухбиримиз.

## ЭНГ ИБРАТЛИ ЙИГИТ

Қутлов



Таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз ёшлари доимо Юртбошимиз ва ҳукуратимиз эътиборида. Уларнинг баркамол вояга етишишлари учун барча шарт-шароитлар муҳайё. Ёшларнинг ҳам жисмонан, ҳам маънан соғлом бўлишлари учун гамхўрлик кўрсатилиб, бу борада турли тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Ана шу мақсадда «Экосан» экология ва саломатлик халқаро жамоат хайрия фонди ташаббуси билан республика Хотин-қизлар кўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши, Мудофаа, Ички ишлар, Фавқулодда вазиятлар, Соғлиқни сақлаш, Олий ва ўрта махсус таълим ҳамда Халқ таълими вазирликлари, касб-хунар таълими, Маънавият тарғибот ҳамда «Оила» марказлари, «Маҳалла» хайрия жамғармаси, мудофаага қўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти, Тадбиркорлар палатаси, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси ҳамкорлигида «Бир йигитга қирқ хунар оз» шиори остида «Энг ибратли йигит» республика кўрик-танлови ташкил қилинганди.

Кўрик-танловда йигитларнинг оилада уй юмушларини бажариш, бузилган рўзғор буюмларини тузатиш, фарзанд тарбияси билан шуғулланиш, спорт турлари бўйича беллашиш, ўқотар қуроллардан фойдаланиш кабилар юзасидан маҳоратлари синовдан ўтказилди. Тадбирда Ички ишлар вазирлиги тизимидан ҳам йигитлар иштирок этиб, ўз билим ва маҳоратларини синиб кўришди. Чунончи, ИИВ Тошкент олий ҳарбий-техника билим юртининг взвод командири, катта лейтенант Фахриддин Усмонхўжаев берилган барча топшириқ ва вазифаларни аъло даражада бажарди.

(Давоми 2-бетда).

## ЎЗБЕКИСТОН

## ҲАФТА ИЧИДА

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 13 июль куни Оксаройда Америка Кўшма Штатлари Давлат котибининг сиёсий масалалар бўйича ўринбосари Уильям Бернсни қабул қилди. Мулоқот чоғида Ўзбекистон – АҚШ муносабатларига доир ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

● Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитасининг «Ўзбекистонда болаларни ижтимоий химоя қилиш тизимидаги ислохотлар»га бағишланган семинари бўлиб ўтди.

● Мамлакатимизга ташриф буюрган Малайзиянинг «Петронас» корпорацияси вице-президенти Датук Насаруддин ва Жанубий Африка Республикасининг «Сасол» компанияси бош менежери Леан Страус Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э. Шоисматов билан учрашди. Музокарада ўзаро ҳамкорликнинг бугунги аҳволи ва истиқболи, биргаликда қатор фойдали лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга оширишга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

● Пойтахтимизда Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция ҳамда БМТнинг Бола ҳуқуқлари бўйича қўмитаси тавсияларини бажариш бўйича Миллий ҳаракат режасининг мамлакатимизда ижро этилишига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

● Сан-Себастьян шаҳрида (Испания) ўн нафар кучли гроссмейстер иштирок этаётган халқаро шахмат фестивалида саккизинчи турнинг энг қизиқарли учрашуви икки жаҳон чемпиони – ҳамюртимиз Рустам Қосимжонов ва россиялик Анатолий Карпов ўртасида ўтказилди. Ўзбекистонлик шахмат устаси қора доналарда ўйнаганига қарамай, тажрибали рақибнинг барча хужумларини бартараф этди ва А. Карповни мот қилди.

● Тошкентдаги Халқаро ҳамкорлик марказида Ўзбекистон ва Жанубий Корея ишбилармон доираларининг бизнес-форуми бўлиб ўтди. Бизнес-форум якунида Ўзбекистоннинг қатор компания ва корхоналари ҳамда Корея Республикаси ишбилармон доиралари вакиллари иштирокида кооперацион биржа бўлиб ўтди. Унда корейлик ишбилармонлар ўзбекистонлик шериклар билан биргаликда кўплаб соҳаларда ўзаро манfaatли лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш юзасидан фикрлашиб олдилар.

ОАВ хабарлари асосида тайёрланди.

## КЎРИК-ТАНЛОВ

## ЯГОНАСАН, МУҚАДДАС ВАТАН!



Тобора яқинлашиб келаётган катта шодиёна – Ўзбекистон мустақиллигининг 18 йиллиги муносабати билан ўтказилаётган «Ягонасан, муқаддас Ватан!» кўрик-танлови ички ишлар идоралари ходимлари ўртасида ҳам қизгин давом этаётир. Кўрик-танловнинг вилоят босқичларида биринчи ва ик-



кинчи ўринни эгаллаганлар республика ИИБ миқёсидаги якуний босқичида беллашиш учун пойтахтга келдилар. Муҳташам «Туркистон» санъат саройида бўлиб ўтаётган кўрик-танловни республика Ички ишлар вазири ўринбосари, полковник Шавкат Икромов кириш сўзи билан очиб, барча иштирокчиларга омад тилади. Шундан сўнг озод ва обод юртга бўлган меҳр-муҳаббат, садоқат туйғуси тараннум этилган қўшиқлар бирин-кетин янграй бошлади. Танлов иштирокчиларининг маҳорати ҳакамлар ҳайъати томонидан баҳолаб борилди. Тадбирда иккинчи истеъдод соҳиблари ўзларининг қобилият ва маҳоратларини намойиш этишди.

(Кўрик-танловнинг якуний натижалари ҳақида газетамизнинг келгуси сонида батафсил танишишингиз мумкин).

Умида БОЛЛИЕВА.

Суратларда: тадбирдан лавҳалар. Абу КЕНЖАЕВ олган суратлар.

## ТАЙИНЛАНДИЛАР

Фарғона вилояти ИИБ Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бошқармаси бошлиғи, подполковник Маруфжон Со-диқович ОРИПОВ.

Маруфжон Содиқович Орипов 1963 йилда туғилган. Маълумоти олий, ИИБ Академиясини тамомлаган. Ички ишлар идораларида хизматни 1984 йилда Фарғона вилояти Марғилон шаҳар ИИБ ППХ ротаси милиционери лавозимидан бошлаган. 1988–2009 йилларда Фарғона вилояти Охунбобоев тумани ИИБ ЖҚБ тезкор вакили, бўлинма бошлиғи, ИИБ бошлиғи ўринбосари, ҲООБ бошлиғи, вилоят ИИБ ҲООБ бошлиғи ўринбосари лавозимларида хизмат қилган.



\*\*\*

Навоий вилояти Томди тумани ички ишлар бўлими бошлиғи, майор Ҳасан Дўсмуродович ЭШМУРОДОВ.

Ҳасан Дўсмуродович Эшмуродов 1974 йилда туғилган. Маълумоти олий, ИИБ Академиясини тамомлаган. Ички ишлар идораларида хизматни 1999 йилда Навоий шаҳар ИИБ ЖҚБ тезкор вакили лавозимидан бошлаган. 2001–2009 йилларда Навоий вилояти Кармана тумани ИИБ ЖҚ ва УЖҚКБ катта тезкор вакили, Зарафшон шаҳар ИИБ ЖҚ ва УЖҚКБ катта тезкор вакили, Томди тумани ИИБ бошлиғининг биринчи ўринбосари – ЖҚ ва УЖҚКБ бошлиғи лавозимларида хизмат қилган.



## УЛКАН ЗАФАР МУБОРАК!

Ватанимиз мустақиллигининг 18 йиллигини муносиб кутиб олишни мақсад қилган галлакорларимиз 6 миллион 610 минг тоннадан зиёд дон етиштириб, йиллик шартнома мажбуриятини ортиғи билан бажардилар.

Деҳқонларимизнинг пешона тери эвазига етиштирилган галла ҳосили хонадонлардаги тўқинлик манбаи, эл-юрт дастурхонини тўлдириб, юртдошларимиз кўнглида эртанги кунга ишонч туйғуларини янада мустаҳкамлаши табиийдир. Бу улкан ютуқ юртимиз ободлиги ва халқимиз фаровонлиги йўлидаги эзгу ишлар изчил давом этаётганидан яна бир далолатдир.

Галлачилик соҳасида қўлга киритаётган муваффақиятларимиз, аввало, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдек эзгу мақсадларга хизмат қилаётир. Дастурхонимиз кўрки, баракаси деҳқон сочган дон туфайлидир. Ушбу неъматнинг мўлқўл бўлишида Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида галлачиликни ривожлантиришга қаратилаётган доимий эътибор муҳим омил бўлаётир.

Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълу-

мотларига кўра, навларни танлашда ҳар бир вилоятнинг ўзига хос тупроқ-иқлим шароитини ҳисобга олиб, суғориладиган ерларда бошоқли дон етиштириш агротехникасини такомиллаштириш унинг сифат ва истеъмол хусусиятларини янада юксалтириш имконини бермоқда. Шунингдек, ҳосилдорликни ошириш, серҳосил, касалликларга чидамли навларни яратиш ва уларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, олимларимиз яратган серҳосил, эртапишар «Чиллаки», «Замин-1», «Бобур», «Дўстлик», «Марс-1», «Маржон», «Андижон-2» каби ўттиздан зиёд янги нав ҳосилдорликни янада ошириш имконини бермоқда.

Мамлакатимизда галла етиштириш бўйича бой тажриба тўпланиб, галла хирмони йил сайин юксалиб бораётир. Яқин-яқингача гектаридан 35-40 центнер ҳосил олиш деҳқонларимизнинг ор-

зуси ҳисобланган бўлса, бугун мазкур кўрсаткич ўртача 50-60 центнергача етмоқда. Ҳосилдорлик ўтган йилга нисбатан ўртача 2 центнерга ортиб, гектарига 50 центнерни ташкил этди. Нафақат суғориладиган майдонларда, балки лалми ерларда ҳам ҳосилдорлик ҳар қачонгидан юқори бўлди.

Етиштирилган галланинг деярли барчаси, Президентимиз таъбири билан айтганда, қишлоқ хўжалигининг таянчи бўлмиш фермерлар улушига тўғри келгани, айниқса, қувонарлидир. Жумладан, Бухоро вилояти Пешку туманидаги «Фаттоев» фермер хўжалиги галланинг ҳар гектаридан 86, Андижон вилояти Асака туманидаги «Абубакир-Баҳодир» фермер хўжалиги 78, Сурхондарё вилояти Сарийосиё туманидаги «Урол» фермер хўжалиги 75, Фарғона вилояти Олтиариқ туманидаги «Олмос Аҳмаджон» фермер хўжалиги 70 центнердан ошириб ҳосил кўгарди.

Далаларда ҳали ҳосил мўл. Қирмизи дон бунёдкорлари галла майдонларидаги сомонни йиғиб, пешма-пеш шудгорлаш тадбирларини амалга оширмоқдалар.

ЎЗА.

## ҚУТЛОВ

## ЭНГ ИБРАТЛИ ЙИГИТ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Шу ўринда лавҳамиз қаҳрамони ҳақида қисқача тўхталиб ўтсак. Фахриддин оилада тўнғич ўғил бўлгани боис, рўзғорда ишлатиладиган асбоб-ускуналар бузилиб қолса, ўзи созлашга ҳаракат қиларди ва уддасидан чиқарди. Айниқса, сувда сузиш, югуриш машқларида тенгдошлари орасида алоҳида ажралиб турарди. Шунингдек, у олий билим юртида ўқиган кезлари ўқотар қуроллардан фойдаланишни ҳам пухта ўзлаштирганди. Табиатан ҳаракатчан йигитга буларнинг барчаси асқотди ва кўрик-танловнинг ИИБ миқёсидаги босқичида бошлиқига йўлланма олди.

Яқинда республика Ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Б. Матлюбов номига «Экосан» экология ва саломатлик жамоат хайрия фонди раҳбарияти томонидан йўлланган мактуб келди. Унда ИИБ Тошкент олий ҳарбий-техника билим юртининг взвод командири, катта лейтенант Фахриддин Усмонхўжаев «Бир йигитга қирқ хунар оз» шiori остида ўтказилган «Энг ибратли йигит» кўрик-танловининг голиби бўлгани ва диплом билан тақдирлангани баён этилганди.

Қуни кеча республика Ички ишлар вазириликда катта лейтенант Фахриддин Усмонхўжаевга диплом топширилди.

Ўз мухбиримиз.

АМАЛИЁТ

# СОҲАНИ ПУХТА ЎРГАНИБ

Маълумки, ИИБ Академиясининг 1,2,3-курслари тингловчилари жойларда ўқув амалиётини ўтади.

**ПОЙТАХТ**имизнинг ҳамза тумани ИИБда амалиёт ўтаётган ўттиз бир нафар тингловчининг еттита-си жиноятларнинг олдини олиш йўналиши бўйича профилактика хизматида назарий билимларини амалда қўллашди. Кўп йиллик тажриба ва малакага эга профилактика билимдонлари билан бир сафда ҳудудларда жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда, тингловчилар касб сир-асрорларини пухта ўрганишди.

Тумандаги Мирзо Улуғбек номили маҳаллада жойлашган 274-милиция таянч пунктига борганимизда тингловчилар профилактика катта инспектори, майор Собир Эшонхонов, маҳалла оқсоқоли Турғунмурод Холмуродов, посбонлар сардори Дилмурод Эгамбердиев билан мулоқот қилишаётган экан.

– Тингловчиларнинг шашти банд, – дейди майор С. Эшонхонов кулиб. – Академияда олган билимларини амалиётда мустаҳкамлашмоқда. Таъкидлаш жоизки, ҳар бир ҳолат бўйича қизиқиб савол беришлари улардаги касбга бўлган иштиёқ нишонаси. Амалиёт давомида ёш ҳамкасбларимиз маҳалла фаоллари, «Маҳалла посбони» жамоат тузилмалари ҳамда кенг жамоатчилик ўртасидаги ҳамкорлик осойишталик гарови эканлигига гувоҳ бўлишди.

– Мен амалиёт давомида шу нарсага амин бўлдимки, профилактика инспектори аввало маҳалладаги ҳар бир фуқарони яхши билиши, ширинсўз, хушмуомала, интизомли, халқ билан ҳамнафас бўлиши керак экан, – дейди Академия 3-курс тингловчиси Муродбек Шодмонбеков. – Ниятим профилактика хизматини пухта ўзлаштириш, халқнинг ишончини қозониш.

Туман ИИБ ҲООБ бошлиғи, капитан Алишер Пирматов ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда жиноятчиликка қарши курашда тингловчилардаги ташаббус, янгиликка интилишни мамнуният билан тилга олди. Келажакда ўз касбларининг билимдони бўлишига ишонч билдирди. Шунингдек, амалиёт даврида яхши кўрсаткичларга эришган тингловчиларни туман ИИБ раҳбарияти томонидан рағбатлантириш ҳам кўзда тутилганини айтди.

Дарҳақиқат, билим амалиётда тобланади. Академияда ўқитувчи-профессорларидан ўрганган назарий кўникмаларини амалда, халқ орасида, эл-юрт осойишталиги йўлида қўллаётган ички ишлар идоралари ворисларининг келгуси ишларида зафарлар тилаймиз.

**Азизжон ФАЙЗИЕВ,**  
«Постда» мухбири.

Тошкент шаҳри.

**НУКУС.** ИИБ Академиясининг 72 нафар тингловчиси Нукус шаҳар ИИБнинг соҳавий хизматларида амалиёт ўташди. Бу жараёнда олий таълим муассасасининг ўқитувчилари, майор М. Юлдашев ва катта лейтенант И. Аҳмедовлар тингловчиларга раҳбарлик қилишди.

Амалиёт давомида тингловчиларнинг маънавий билимларини оширишга, дунёқарашини кенгайтиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Чунончи, амалиётчилар Нукус шаҳридаги И. Савицкий номидаги давлат музейи ва Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ тарих музейига олиб борилгани шулар жумласидандир. Шунингдек, Қорақалпоқ халқи тарихи, маданияти ва ички ишлар идоралари фаолияти билан ҳам яқиндан таништирилди.

**А. ЖИМУРАТОВ,**  
капитан.

**НАМАНГАН.** Наманган шаҳар, Чуст ва Уйчи туманларига бириктирилган тингловчилар мутахассислик йўналишлари бўйича жиноят қидирув, тергов, жиноятчиликнинг олдини олиш ва эксперт-криминалистика йўналишлари бўйича амалий кўникмаларни пухта ўзлаштиришди.

Тингловчилардан Музаффар Маткаримов, Сарвар Жўраевлар «Ёшлар амфитеатрда»ги концерт дастурида қалбаки чипта сотаётган фуқаро А. Тиловни ушлашда, Наманган шаҳридаги «Чорсу» деҳқон бозори ҳудудида босқинчилик содир этган, муқаддам судланган Х. Йўлдошни қўлга олишда тезкор ходимларга яқиндан ёрдам беришди. Шунингдек, профилактика инспектори, капитан Фазлиддин Қаримовга бириктирилган амалиётчилар белгиланмаган жойларда спиртли маҳсулотлар сотаётган ўн бир нафар шахсга, жамоат жойларида майда безорилик содир этган икки кишига нисбатан қонуний чора кўрилишида бевосита иштирок этишди.

**Рустам НУРИДДИНОВ,**  
капитан.

**УРГАНЧ.** ИИБ Академиясининг тингловчилари Хоразм вилояти ҳудудида малакавий амалиётини муваффақиятли якунлашмоқда.

Мана бир неча йилдирки, ИИБ Академияси тингловчилари амалиётни ўзлари лавозимга тайинланиши мумкин бўлган ҳудудда ўташапти. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, амалиёт жараёни пухта ишлаб чиқилган режа асосида ташкил этилган. Худудий ички ишлар бўлимида тингловчилар мураббийлар иштирокида бажарилган кундалик ишлари юзасидан ҳисобот тайёрлашди. Вилоят ИИБ, Урганч шаҳар ва Урганч тумани ИИБларида амалиётга жалб қилинган тингловчиларнинг барчаси зарурий ҳужжатларни қийинчиликларсиз тайёрлашга эришдилар. Амалиёт жараёни вилоят ИИБ раҳбарияти томонидан қузатиб борилди.

**Худойберган ЖАББОРОВ,**  
«Постда» мухбири.

**ТОШКЕНТ.** Собир Раҳимов тумани ИИБда ҳам ИИБ Академиясининг бир гуруҳ тингловчиси амалиёт ўтади.

Академия ўқитувчиси, катта лейтенант Р. Рашитходжаев раҳбарлигидаги тингловчилар ўқув амалиётини ўташ жараёнида ўзларини билим ва тажрибаларини намойиш этишди.

Тингловчилар амалиётни тажрибали ходимлар билан ҳамжихатликда олиб боргани уларда касбий кўникмаларни шаклланиши билан бир қаторда соҳа фаолиятига оид тажрибаларини ортираяпти.

Айтиш жоизки, тингловчилар туман ҳудудида жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши курашиш ва содир этилган жиноятларни фож этишда муносиб ҳисса қўшишди.

**Муҳаммад ШАПСАНОВ.**

## ЖАҲОН АЙВонида

**САМОДАГИ ҲАЛОКАТ**  
«IRNA» ахборот агентлигининг хабар беришича, Эронда «Caspian Airlines» авиакомпаниясига тегишли йўловчи ташувчи самолёт ҳалокатга учраган.

Маълумотларга қараганда, «Ту-154» русумли ушбу самолёт қўниш вақтида ҳалокатга учраган. Натижада унинг бортида бўлган 168 киши ҳалок бўлган.

Ҳалокат сабаблари ўрганилмоқда.

### ЗАВОДДА ПОРТЛАШ

Хитой марказидаги кимёвий корхонада портлаш юз берди.

Бу ҳақда «Associated Press» ахборот агентлиги хабар тарқатди. Хэнань музофотидаги Лоян шаҳрида жойлашган мазкур муассасада содир бўлган ҳалокат натижасида бир киши ҳалок бўлган, 108 нафар одам тан жароҳати олган. Шифокорлар шикастланганлардан етти нафарининг аҳволи оғирлигини маълум қилишган.

### ИНҚИРОЗ КАМАЙМАЯПТИ

Жаҳонда қузатилаётган молиявий-иқтисодий инқироз дунёнинг аксарият давлатлари иқтисодиётига зарба бермоқда.

Жумладан, молиявий жиҳатдан анча бақувват саналган АҚШда айни пайтга келиб бюджет тақчиллиги рекорд даражага етган. Кузатувчиларнинг фикрига қўра, бу борадаги аҳволнинг ёмонлашишига давлат томонидан инқирозга қарши чораларга йўналтирилаётган маблағлар миқдори ошиб бораётгани ва солиқ ставкалари камайтирилаётгани сабаб бўлмоқда.

### ВИЗА ТАРТИБИ ЖОРИЙ ЭТИЛДИ

Канада Иммиграция вазирлиги Мексикадан таширф буюрувчи фуқаролар учун виза тартибини жорий қилди. Бундай тартиб 14 июль кун Чехия фуқаролари учун ҳам татбиқ этилганли.

Сабаби бу икки давлатдан Канадага келувчилар ва давлат маъмуриятидан бошпана беришларини сўровчилар кўпчилигини ташкил этади.

### ЙИРИК ЛОЙИХА

Европанингни ўн иккита йирик компанияси қуёш энергияси ёрдамида ишлайдиган электр станцияларини қуриш устида иш бошлади, дейилади «AFP» хабарида.

Бунинг учун 400 миллиард евро миқдорида маблағ сарфлаш режалаштирилган. Лойиҳа якунига етказилгач, қитъадаги электр манбаига бўлган умумий талабнинг 15 фоизини қондириш имкони юзата келиши таъкидланмоқда.

Интернет ва ОАВ хабарлари асосида тайёрланди.



Суратда: амалиётчилар профилактика катта инспектори, майор С. Эшонхонов ва маҳалла фаоллари билан. Абу КЕНЖАЕВ олган сурат.

### ЎЗ – ЎТМОҚДА СОЗ!

«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурида белгиланган вазифаларни бажариш ҳамда болаларнинг ёзги мавсумда мароқли дам олишларини таъминлаш мақсадида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Вилоятдаги болалар дам олиш оромгоҳлари айни кунларда ўғил-қизлар билан гавжум.

## МАРОҚЛИ ДАМ ОЛИШМОҚДА

Оромгоҳларда жамоат тартибини сақлаш, ёнгин ва йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, болалар билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жиноятчилик ва бошқа ҳар қандай нохуш ҳолатларга йўл қўймаслик мақсадида ички ишлар ходимлари «Ғам-хўрлик – 2009» тадбирлари асосида хизмат олиб боришапти.

Бу йилги мавсумда шаҳардан ташқаридаги оромгоҳларда 5850 нафар, мактаб ва коллежлар қошида ташкил этилган 29 та оромгоҳда 8150 нафар болалар ва ўсмирларнинг дам олиши режалаштирилган. Шунингдек, ички ишлар идораларида профилактика ҳисобда турган ва кам таъминланган оилаларда тарбияланаётган вояга

етмаганларнинг рўйхатлари тузилиб, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида вилоят ҳокимлиги, халқ таълими, касаба уюмлари ташкилотлари ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда бепул дам олишлари ташкиллаштирилди.

Мавсум давомида турли кечалар, викторина ўйинлари, фан тўгараклари, давра суҳбатлари ва турли спорт мусобақалари каби тадбирлар ташкил этилиши болаларнинг кўнгилли ҳордиқ чиқаришлари билан бирга, фикрлаш қobiliяти ва билими ўсишида катта аҳамият касб этмоқда.

**Жобирхон РИЗАЕВ,**  
капитан.

Наманган вилояти.

### ТАДБИР

## БОЛАЖОНЛАР ИШТИРОКИДА



Вилоят ИИБ ЁХБ томонидан Қарши шаҳар халқ таълими бўлими тасарруфидаги «Турнача» ва «Нилуфар» номили мактабгача тарбия муассасаларида «Севимли боғчамизда, кўчада ва уйда ёнгин хавфсизлигини таъминлайлик» мавзусида мактабгача тарбия муассасалари тарбияланувчилари ўртасида учрашувлар ташкил этилди.

Тадбирлар жараёнида мактабгача тарбия муассасасида ёнгин хавфсизлиги қоидалари бўйича кичкинтойлар ва тарбиячилар билан савол-жавоб бўлиб ўтди.

Тарбияланувчилар олов ва уни жиловлашни саҳна кўриниши орқали

ижро этиб беришди. Болажонлар олов исканжасида қолган ўрмон ҳайвонларини қутқариш ва бошқа мавзуга оид расмлар чизишди. Шунингдек, тарбиячилар иштирокида ёнгин чиққанда кичкинтойларни хавфсиз ҳудудларга қўчириш бўйича мусобақалар ўтказилди ҳамда бирламчи ёнгин ўчириш воситаларидан фойдаланиш каби амалий машқлар бажарилди.

**Б. АСТОНОВ,**  
истеъфодаги подполковник.

Суратда: учрашувдан лавҳа. Муаллиф олган сурат.

## УМРИНГИЗГА БАРАКА

## АБДУҒАФФОР ОТАНИНГ БАХТИ

Фаргона вилояти ИИБ фахрийлар кенгаши раиси, истеъфодаги полковник Абдуғаффор Сатторов табаррук 80 ёшни қарши олди. Шу муносабат билан отахоннинг уйига ташриф буюриб, у билан дилдан сўхбатлашдик.

Файзли, сариштали ҳовлига кирдик, йулакчалардан бошқа ҳар бир қарич ери гулзор. Турфа атиргулларнинг ифорлари димоққа урилиб, дилларга ажиб бир ҳушнудлик бахш этади. Турмуш ўртоғи Раънохон ая билан атиргулларни кўздан кечириб юрган Абдуғаффор ота бизни илиқ кутиб олди.

– Гулларга ҳавасим жуда баланд, – дейди отахон салом-алиқдан сўнг айни кўнглимизда туғилган саволни пайкагандек. – Шу боис энг сараларини топиб келиб, парваришлайман. Улар менга завқ бағишлайди, эрта тонгда уларга қараб танамга куч киргандек бўлади.

Ўта камтарин, самимий, кўнгли табиат гўзалликларини

тида ишлади. 1958-1960 йилларда вилоят ИИБ паспорт хизмати бўлинмаси бошлиғи лавозимида фаолият юритди. Кейин бир неча йил вилоят ИИБ шахсий таркиб билан ишлаш бўлимига раҳбарлик қилди.

А. Сатторов хизмат билан узвий ҳолда ИИБ Тошкент олий мактабини тамомлаб, юридик маълумотга ҳам эга бўлди. Ички ишлар идораларининг турли хизматларида узоқ йиллар самарали фаолият кўрсатган полковник А. Сатторов 1985 йилда нафакага чиқди.

У қайси лавозимда хизмат қилмасин, ўзига юклатилган вазифани сидқидилдан бажарар, ҳамиша ҳушёр ишлашга интиларди. Шу

Айни кунларда отахоннинг касбини фарзандлари, набиралари ва ундан сабоқ, маслаҳат олиб иш бошлаган кўплаб шогирдлари давом эттирмоқда.

Ҳамиша эл хизматиға камарбаста бўлиш, юрт қорига ярашни олий бахт деб билган Абдуғаффор ота нафакага чиққач, вилоят ИИБ фахрийлар кенгаши раиси сифатида фаолият кўрсата бошлади. Мана, қарийб 15 йилдирки, у ушбу кенгашни бошқариш билан бирга соҳада хизмат қилаётган ёш ходимларга ҳам ўз тажрибаларидан ўргатиб келмоқда.

Инсон умри мисоли оқар дарё. Бугун 80 ёшни қаршилаб турган Абдуғаффор ота ўтган умрини сарҳисоб қилиб ҳечам афсусланмайди.

– Умримнинг асосий қисмини сеvimли касбимга бағишладим, – дейди у мамнунлик билан. – Одамзод бахтни турлича тушунади. Мен учун чинакам бахт бу ана шу сеvimли касбим ҳисобланади.

Дарҳақиқат, Абдуғаффор Сатторов ички ишлар тизимида меҳнат қилиб обрў тоғди, эл хизматиға сазовор бўлди. Кўплаб шогирдлар етиштирди, уч нафар фарзандини вояга етказиб, элга қўшди.

Бугун ҳам отахонни тез-тез ички ишлар ходимлари даврасида учратасиз. У бой ҳаётини ва касбий тажрибаларини ёшларга сўзлаб беради, улардан доно маслаҳатларини аямайди. Отахонни устоз дея ҳурмат билан қарши оладилар. Инсон учун бундан ортиқ бахт борми дунёда?

**Бўрибой ОМОНЗОДА.**  
**Абдувосит СИДДИКОВ.**  
Фаргона вилояти.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва Фахрийлар кенгаши ички ишлар идоралари фахрийси, истеъфодаги полковник **Абдуғаффор ота САТТОРОВ**ни табаррук 80 ёшга тўлгани билан самимий табриқлайди. Отахонга узоқ умр, мустаҳкам саломатлик, яна кўп йиллар шогирдлари, фарзандлари, сафдошлари даврасини тўлдириб юришини тилайди.

## ЭЪТИРОФ

– Муҳим хабар бор, тез етиб келиш керак, – навбатчилик қисмидан қилинган кўнглик Абдувалини сергаклантирди. Тезда ювиниб, кийинди-да, турмуш ўртоғига ишга кетаётганини айтиб, йўлга тушди. Абдували ака Тошкент туманининг Фишткўприк маҳалласида яшаса-да, шаҳарлик айрим ҳамкасбларидан кўра эртароқ иш жойига етиб келади. Хизматта бўлган бундай масъулият, ўзига ишониб топширилган вазифага нисбатан ҳурмат уни янада фаол бўлишга ундаса, ажабмас.

ШАРАФЛИ ХИЗМАТДАН  
МАРОҚЛИ ҲОРДИҚҚА

... Бугун Абдувалини ҳамкасблари шарафли хизматдан мароқли ҳордиққа – нафакага кузатишди. Унинг эгнига зарчопон ташлаб, бошига дўппи кўндиришди, белини белбоғ билан боғлаб, маҳкам кучиб табриқлашди. Шода-шода гулларга кўмилган Абдували кадрдонларига миннатдорлик билдирди. Ахир халқимизга хос кадр тўйғусидан баҳраманд бўлган одамнинг боши нега кўкка етмасин?!

Тадбирдан сўнг у эндиликда собиққа айланган ишхонасини кўздан кечирди. Таниш хизмат хонаси, кадрдон шогирдларига боқиб, кўнгли алланечук ҳисларга тўлди. Хаёллари уни олис йиллар сари олиб кетди...

Абдували Ҳошимов 1953 йилда пойтахт вилоятининг Тошкент туманида таваллуд тоғди. 1960–1970 йилларда ўрта мактабда таҳсил олди. 1973 йилда ҳарбий хизматни Польшада ўтаб қайтди. Хизматга қадар ва ундан кейин турли жойларда ишлади-ю, аммо бундан кўнгли тўлмади. 1978 йилдан ички ишлар идораларида фаолият бошлади. Дастлаб ўн йил ИИБ ППХ ва ЖТСББ алоҳида милиция батальонида хизмат қилди. Бу орада собиқ иттифоқ ИИБга қарашли ўрта-маҳсус милиция мактабида сиртдан ўқиди.

А. Ҳошимовни 1988 йил ИИБ Ташкилий-инспекторлик бошқармасининг нав-

батчилик қисмига ишлашга таклиф этишди. Бу ерда у дастлаб навбатчи инспектор, 1996 йилдан эса тезкор навбатчи сифатида самарали хизмат қилди.

Абдували ака илк иш бошлаган кезларида ўзига оталарча ғамхўрлик кўрсатган устозлари В. Фадеев, А. Карпов, Н. Ҳолматовларни миннатдорлик билан эслайди. У ҳам ўз навбатида хизмат йиллари давомида шогирдлар тайёрлади. Подполковник Р. Шотурсунов, катта лейтенант А. Баҳодиров шулар жумласидандир.

Навбатчилик қисмини рамзий маънода раҳбариятни қуйи ички ишлар идоралари билан боғловчи кўприк десак, муболага қилмаган бўламиз. Куну тун мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий ва криминоген вазиятни кузатиб, ҳисобга олиб ва назорат қилиб бориш, бу борада ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, тегишли вазирликлар ва ташкилотлар билан доимий боғланиб туриш, жиноятлар ёхуд содир бўлган фавқулудда вазиятлар ҳусусида биринчи навбатда раҳбариятга ахборот бериш – буларнинг барчаси мушкул ва мураккаб жараён. Бундай масъулиятли вазифа тезкор навбатчидан нақадар катта куч, билим ва ҳаракат талаб қилишини кўз олдингизга келтираверинг.

Ана шу маънавий куч-қуд-

ратни А. Ҳошимов ўз оиласидан олди. Раҳматли отаси Воҳид бобо Иккинчи жаҳон урушида не-не ўлимларга чап берган, иродаси бақувват инсон эди. Ҳар икки кўлидан ажраган бўлишига қарамай у киши фарзандларини фақат меҳнатдангина чинакам бахт топиш мумкинлигига ўргатди. Онаси, дуоғўйи Тўғоной ая муборак 81 ёшни қаршилаган бўлса-да, ҳамон тетик. Абдували ака турмуш ўртоғи, узоқ йиллар олий тоифали ҳамшира бўлиб ишлаб, айни пайтда кексалик гаштини сураётган Ҳақима опа билан бир қиз, уч ўғилни тарбиялаб, вояга етказди. Қизи уй бекаси. Икки ўғли ўзининг изидан борди: ҳозирги пайтда Абдулла ИИБ Тергов бош бошқармасида катта терговчи, капитан. Абдулазиз эса Юнусобод тумани ИИБда профилактика инспектори, лейтенант. Кенжаси – Абдуазим Тошкент давлат техника университетини яқинда тамомлади, ихтисослиги бўйича ишлаш тарафдудиди.

Абдували ака энди беш неварасини ёнига олиб, уларнинг тарбияси билан шуғулланади. Ворисларига ҳаёт илмини ўргатади.

Шу хаёллар билан турганида шогирдларидан бири Абдували Ҳошимовнинг ёнига келиб, тилак билдирди:

– Бизларга ҳам Сизнинг йўлингизни берсин, устоз!

**Н. АСЛОН.**

## ХОТИРА УЙҒОНСА ГЎЗАЛДИР

## КЎПЧИЛИККА ИБРАТЛИ ИНСОН ЭДИ

Инсон ҳаёти, кадр-қиммати аввало, унинг инсонийлиги, эл-юрт қорига яраши, самарали фаолияти билан ўлчанади, эъзозланади. Қисқа умр кўриб ҳам одамлар меҳрини қозониш, улар эътиборига сазовор бўлиш, ўзидан яхши ном қолдириш мумкин. Ҳаётининг сўнгги кунларида Бухоро шаҳри Тўқимачилик тумани ИИБ бошлиғи ўринбосари лавозимида хизмат қилган, майор Фахриддин Ҳамроев ана шундай инсонлардан бири эди.



Бухоро туманининг Шалғамхўрон қишлоғида туғилиб, вояга етган Фахриддин ички ишлар соҳасида хизмат қилишни болалигидан орзу қиларди. Шунинг учун ҳам армиядан йигитлик бурчини ўтаб қайтгач, ИИБ Тошкент олий мактабига кириш имтиҳонларини му-

ваффақиятли топширди. Ўқишни тугатгач, 1992 йилда Бухоро шаҳар ИИБ ЖК ва ТҚКБда тезкор вакил вазифасида иш бошлади.

– Ўз устида ишлашдан чарчамайдиган Фахриддиннинг катталарга ҳурмати баланд эди, – дейди унинг устози, Бухоро шаҳар ИИБ бошли-

гининг биринчи ўринбосари, подполковник Содиқ Ҳафизов. – Ўзидан ёши катта, тажрибали ходимларнинг насиҳатларини тинглар, улардан касб сирларини ўрганишга ҳаракат қиларди. Саъй-ҳаракатлари тўфайли тез орада жамоада ўз ўрнини топишга эришди.

Осойишталик йўлида 16 йил самарали хизмат қилган Ф. Ҳамроевни бугунги кунда ҳамкасблари алоҳида ҳурмат билан тилга олишади. Унинг устоз сифатида ёшларга бўлган муносабатини хотирлашади. Вилоят ИИБ ЖК ва ТҚКБ тезкор вакиллари, майор Шўҳрат Орзиев, капитан Ойбек Зухуров ишчанлик ва хизматга масъулият билан ёндашишни ундан ўрганишган.

– Мен Фахриддин акага ҳавас қилиб, ички ишлар идорасига хизматга келганман, – дейди майор Шўҳрат Орзиев. – Тўғриси, у кишининг юриш-туришига ҳавасим келарди. Кийим-бошларига гард юкмасди. Биз, шо-

гирдларидан ҳам шундай бўлишни талаб қиларди. Хизматдаги сезгирлиги, иқтидорига қойил қолган пайтларим кўп бўлган. Бирорта жиноятни фош этмагунча тинчимасди.

Бухоро шаҳрида содир этилган босқинчилик жиноятини очишда тезкорлик билан ҳаракат қилганмиз. Ўшанда тўрт нафар йигит хонадонга кириб, уй эгасига пичоқ билан жароҳат етказиб, 300 АҚШ доллари ҳамда тилла тақинчоқларини ўмариб, воқеа жойидан яширинишганди. Тонг отгунча тўрт нафар гумондорни ушлаб, далилий ашёлар олингани ёдимда. Уларни Ромитан, Жондор туманлари ва Бухоро шаҳридан топиб, олиб келишга эришганмиз.

Ўз ишини яхши билгани, ташкилотчилиги учун у ёш бўлса-да, тез орада раҳбарлик лавозимларида хизмат қила бошлади. 2004 йилда Бухоро шаҳар ИИБ бошлиғининг биринчи ўринбосари – ЖК ва ТҚКБ бошлиғи этиб тайинланди.

– Фахриддин Ҳамроев топширилган вазифани бажариш учун бор имкониятларни ишга соларди, – дейди вилоят ИИБ ЖК ва ТҚКБ бошлиғининг биринчи ўринбосари, подполковник Тўлқин Раззоқов. – Масъулиятни чуқур ҳис этиши, ўзи ва ҳамкасбларига нисбатан талабчанлиги, жиноят қидирув ходими-га хос ҳушёрлиги, топқирлигига кўпчилик ҳавас қиларди.

Бевақт ўлим Ф. Ҳамроевни орамиздан олиб кетди. У ўзини севган касбига бахшида этганди. Фидойи ходим яқинларига ҳамиша эътиборли, ғамхўр, фарзандларига меҳрибон ота эди. Осойишталик йўлида самарали хизмат қилган Фахриддин Ҳамроевнинг хотираси яқинлари, ҳамкасблари, уни билганлар қалбида мангу яшайди.

**Ихтиёр ШАРИПОВ,**  
**подполковник.**  
**Рўзигул ЙҮЛДОШЕВА.**

Бухоро вилояти.

**УМИДЛИ ЁШЛАРИМИЗ**

**Навбахор тумани ИИБ профилактика катта инспектори, майор Орзикул Нурназаров ёш лейтенантга бошдан-оёқ синовчан кўз югуртираркан «Бўладиган болага ўхшайди», деган ўй кўнглидан ўтди. Илҳом Ҳамроевнинг милиция таянч пунктида юритиладиган ҳужжатларни диққат билан ўрганишга киришгани ҳам унга маъқул бўлди. Айниқса, ўзига бириктирилган маҳаллалар аҳли билан яқиндан танишишга ошиқайтгани Орзикул акани қувонтирди. Чунки профилактика инспектори учун энг зарур хусусият одамлар билан муомала қилишни, уларнинг кўнглига йўл топа олиш хусусияти-да.**

мийлаштириб, судга тақдим этди. Суднинг қарорига кўра бу икки оила жанжалкаш оилалар сифатида рўйхатга олинди.

– Яхши гапга тушунмаганларга нисбатан шундай иш тутишга тўғри келади, –

лейтенант Илҳом Ҳамроевнинг 64–МТПга профилактика инспектори этиб тайинланганига ҳам бир ярим йилдан ошди. Бу орада у устозидан одамлар билан муомала қилиш маҳоратини ҳам, иш қоғозларини юри-

кантрак» кишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудига мустақил ишлаш оладиган профилактика инспектори топиш кераклигини айтиб қолди. Шунда Орзикул ака Илҳом Ҳамроевнинг номзодини таклиф этди. Агар ўзини ўйлаганида бундай йўл тутмасди, албатта. Чунки Илҳомжон унинг юкини энгил қилиб турганди. Лекин ҳақиқий устоз шогирдининг камолини ўйлайди.

Хуллас, лейтенант Илҳом Ҳамроев 12 мингга яқин аҳоли яшайдиган «Кескантрак» кишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудига профилактика инспектори этиб тайинланди. Аввалига масъулият юки бир оз чўчитди. Шунда устози ўргатганидек маҳалла оқсоқоллари Машраб Давронов, Олим Худойкуловга таянди. Улар ёрдамида кишлоқ аҳлининг турмуш тарзини, қувончу ташвишларини ўрганди. Комил Михлиев бошчилигидаги посбонларга суянди.

Кескантракда икки кўшни болаларнинг орасига тушиб жанжаллашавериб отнинг қашқасидек танилиб қолган экан. Орзикул аканинг бир пайтлардаги маънодор қарашини эслаб, Илҳомжон суд орқали уларни жанжалкаш оилалар сифатида рўйхатга олди. Жамоат жойида спиртли ичимлик ичиб, бошқаларни ҳақорат қилган безорига нисбатан маъмурий қамок

чораси қўлланилишига эришди. Янгасини ҳақорат қилган қайнига энг кам иш ҳақининг уч баравари миқдориде жарима солинишини таъминлади. Албатта, қийналган, иккиланган пайтлари ҳам бўлаяпти. Шундай кезлари устози майор Орзикул Нурназаровдан маслаҳат, йўл-йўриқ сўраб турибди.

Яқинда қахрамонимизга навбатдаги «катта лейтенант» унвони берилди. Илҳомжон асли ғиждувонлик эмасми, отаси Иноят ака туман ИИБ раҳбарларига учраб: «Энди ўғлим ўзимиз томонларга қайтса бўлармиди», деб маслаҳат солди. Шунда Навбахор тумани ИИБ бошлигининг ўринбосари, капитан Ш. Давлатов ярим ҳазил, ярим чин оҳангда:

– Иноят ака, Илҳомжон энди навбахорлик бўлиб қолди. Дарахт бир жойда кўкаради дейишади-ку. Шу ерда уй-жой қилсин, уйлانسин, – деди, сўнг қўшиб қўйди. – Шундай ўғил тарбиялаб етиштиргангиз учун сизга раҳмат.

Раҳбарларининг бундай самимий эътирофига сазовор бўлиш ҳаммага ҳам нисиб этавермайди.

**Бобомурод ТОШЕВ.**

*Навоий вилояти.*

**Суратда: катта лейтенант Илҳом Ҳамроев хизмат пайтида.**

# Ўрнак олса арзийди



деганди ўшанда майор Орзикул Нурназаров шогирдига маънодор қараб.

Вақт сувдек оқиб ўтавераркан. Ҳаш-паш дегунча

тиш кўникмаларини ҳам обдон ўрганди.

Бир куни Навбахор тумани ИИБ ҲООБ бошлиғи хизмат йиғилиши чоғида «Кес-

Республика ИИБ Тошкент олий ҳарбий-техника билим юртини тугаллаб, профилактика инспектори этиб тайинланган лейтенант Илҳом Ҳамроев ҳақиқатан ҳам киришимли чиқиб қолди. У қисқа вақт ичида бутун «Бешрабат» кишлоқ фуқаролар йиғини аҳолисига эл бўлиб кетди. Ҳудуддаги муқаддам судланган шахслар билан устозининг маслаҳатига кўра бирмабир суҳбат қилиб чиқди. Улардан ишсиз юрган икки нафарини фермер хўжаликларига ишга жойлаштирди.

Ўзи ҳам ёш эмасми, кишлоқ фуқаролар йиғинидаги ёшлар ва ўсмирлар билан тез тил топишиб олди. Уларнинг муаммоларини ўрганди. Ҳудуддаги учта мактаб ва битта касб-ҳунар коллежига тез-тез бориб, ўқувчиларнинг давомати билан қизикди. Дарс қолдираётганлар, уларнинг ота-оналари би-

лан суҳбатлашди. Вояга етмаганларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишда юқоридаги таълим муассасаларининг имкониятларидан, қолаверса, маҳаллалардаги спорт майдончаларидан самарали фойдаланишга эришди. Ўтган йили улар томонидан бирорта ҳам ҳуқуқбузарлик, жиноят содир этилишига йўл қўйилмаганлигида ана шу саъй-ҳаракатларнинг ҳам улуши бўлган, албатта.

Кишлоқ жойида оилалар ўртасидаги жанжал кўпинча сув, бир парча ер устида, баъзан болалар устида келиб чиқади. Бешрабатлик амакиваччалар ҳам айнан ер-сув устида жанжаллашишди. Оқсоқоллар, маҳалла яраштирув комиссияси аъзолари уларни бир марта яраштиришди, икки марта мурасага келтиришди. Учинчи марта Орзикул аканинг тоқати тоқ бўлди. У тегишли ҳужжатларни рас-

хавфсизликни таъминлашга катта ҳисса қўшиб келишаётир. Чегара тартиб-қоидалари, уларга оғишмай амал қилиш лозимлиги тўғрисида аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари олиб борилади.

«Кўргонтош» кишлоқ фуқаролар йиғини раиси Баҳодир Янгибоев кўп йиллардан буён элдошларига бош. Унинг иш фаолияти маҳаллий ҳокимият томонидан доимо эътироф этиб келинади. Сабаби, аҳоли томонидан бирорта муаммо туман ҳокимлигигача етиб бормайди. Барча масала фаоллар ўртасида ўз ечимини топади. Ҳуқуқбузарликларга йўл қўймаслик борасида ҳам талайгина ибратли ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Ушбу ҳудудда истиқомат қилаётган аҳолининг тинчлик, осойишталигини таъминлаш туман ИИБ ҲООБ 247-милиция таянч пункти зиммасида. Профилактика инспектори, капитан Барот Эшбоев фаоллар билан ҳамжихатликда фаолият кўрсатмоқда. Унга диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи Р. Ибрагимова, маҳалла посбони И. Ризоқулов яқиндан ёрдам бераёпти. «Ражаб бобо» хусусий фирмаси бошлиғи Эсон Ражабов, Кўргонтош кишлоғи оқсоқоли Норсаид Нормухаммедов ва бошқалар эл учун куйиб-пишиб жон койиладиган инсонлардир. Улар эҳтиёжмандларга имконият даражасида ёрдам кўрсатишга ҳаракат қилишаёпти.

**Соҳибжамол АМИНОВА.**

*Қашқадарё вилояти.*

**ПРОФИЛАКТИКА ХИЗМАТИ**

## ОСОЙИШТАЛИККА БАРЧА МАСЪУЛ

Дехқонобод туманининг «Кўргонтош» кишлоқ фуқаролар йиғини ҳамда «Торқапчуғай» маҳалла фуқаролар йиғинининг чекка ҳудудида жойлашган кишлоқлар Туркменистон билан туташиб кетган. Биргина «Кўргонтош» кишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли бешта кишлоқда 5500 дан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Усмондара, Хўжаипак кишлоқларини кўшни давлат билан бор йўғи 13-14 километр масофа ажратиб туради. Бу ерлар асосан тоғликлардан иборат. Аҳоли чорвачилик билан шуғулланади, қисман деҳқончилик қилади. Мактаб ўқувчилари қир-адирлар ошиб ўқишга қатнашади. Бу ўзига яраша ажойиб манзара кашф этиб, кишига завқ бағишлайди.

Хўжаипак кишлоғи тўғрисида алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз. Мазкур гўшада «Хўжаипак ота» зиёратгоҳи борлиги муҳим ўрин тутади. Бу маскан билан Туркменистонга қарашли кишлоқни фақатгина сойлик ажратиб туради. Қирнинг бир томонида ўзбеклар, нариги тарафда эса туркманлар яшайди. Чегара яқин бўлганлиги туфайли назорат масканлари ташкил этилган. Томонларга ўтиб-қайтиш виза асосида йўлга қўйилган. Бу ерда чегара посбонлари гуруҳи фаолият олиб боради. Гуруҳ аъзолари кишлоқларда яшовчи фуқаролар вакиллари билан таркиб топган. Бу тажрибали инсонлар ёнида ёш, эпчил, юрт тинчлиги, осойишталиги учун жонини фидо қилишга тайёр бўлган йигитлар фаолият кўрсатмоқда. Улар

**ХИЗМАТ ЖОЙИ – ҚОРОВУЛ ҚЎШИНЛАРИ**

Яқинда хизмат сафари юзасидан Қоровул қўшинларига қарашли, подполковник Анваржон Бердиев сардорлик қилаётган ҳарбий қисмда бўлди. Дарвозадан ичкарига кирар экансиз, юртимиз ва илм-фан тараққиётига ўз ҳиссасини қўшган буюк алломаларимизнинг суратлари акс эттирилган кўргазмалар диққатингизни тортади. Ҳовлига эса турли хил манзарали ва мевали дарахтлар экилган. Подполковник А. Бердиев ҳарбий жамоанинг жанговар хизмат фаолияти ҳақида гапириб берди.

## МУНОСИБ ЮТУҚЛАР САРИ

– Ҳарбий хизматнинг нуфузини ошириш, сифатини юқори поғонага кўтариш учун режа асосида иш олиб боришда, – деди суҳбатдошимиз. – Шахсий таркибни кийим-кечак, озик-овқат, автомобиль, компьютер техникаси, замонавий қурол-аслаҳалар билан таъминланишини янада яхшилаш Ички ишлар вазирлиги ва Қоровул қўшинлари қўмондонлигининг доимий диққат марказида.

Таъкидлаш жоизки, аскарлар ётоқхоналари, ҳарбий шаҳарча ҳудуди шу кун талаблари даражасида таъмирланган. Ҳарбий хизматчилар тажриба ва билиминини ошириши учун машқ майдонлари, ўқув ва компьютер хоналари замонавий услубда қайта жиҳозланган. Шахсий таркиб касб маҳоратини мунтазам ошириб бориши, жанговар тайёргарлигини юқори даражада сақлаб туриши учун ташкилий, амалий, маданий-маърифий тадбирлардан самарали фойдаланилмоқда. Ҳарбий қисмда-

ги турли вилоят ва шаҳарлардан келган оилали ҳарбий хизматчиларнинг яшаш шароитини яхшилаш мақсадида ҳарбий шаҳарча ҳудудидаги кўп қаватли уйлardan уларга турар жой берилган.

– Бой китоб захирасига эга бўлган кутубхона, клуб ва замонавий тренажёрлар билан жиҳозланган спорт зали ҳарбий хизматчилар ихтиёрида. Ётоқхоналар кенг ва ёруғ, дам олиш, маиший хизмат ва ювиниш хоналарида барча жиҳозлар мавжуд. Аскарларнинг бўш вақти мазмунли ўтиши учун режа ишлаб чиққанмиз, – дейди командирнинг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари, подполковник Х. Юлдошев. – Унга кўра дам олиш кунлари қизиқарли спорт беллашувлари ва концерт дастурлари ташкил этилаяпти.

Ҳа, ҳарбий хизмат оғир, аммо шаарафли касб. Буни ҳарбий қисм шахсий таркиби теран англагани учун муносиб ютуқлар қўлга киритилаёпти.

**Б. ЛУТФУЛЛАЕВ,**  
катта сержант.

**ИИБ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАРЛАРИ ••• ИИБ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАРЛАРИ ••• ИИБ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАРЛАРИ**

**ЗИРАГИНИ ЕЧИБ ОЛДИ**

Ёш бола катталарнинг гапига дарров ишонади. Афсуски, айрим нопок инсонлар бундан гараз мақсади йўлида фойдаланишга ҳаракат қилишади. 1982 йилда туғилган М. Нигора Тошкент шаҳрининг Сирғали туманида яшовчи Ш. Дилоромни алдаб, қулоғидаги зиракни ечиб олди ва жўнаб қолди. Ички ишлар ходимлари фирибгар аёлни тезда аниқлаб, қўлга олишди.

**ЁЛҒОН КЎРСАТМА ОҚИБАТИ**

Самарқанд вилоятининг Пастдарғом туманида яшовчи Э. Анвар туман ИИБга ариза билан мурожаат қилиб, номаълум шахс уйига очик қолган эшик орқали кириб, 3 млн. 800 минг сўм пулни ўғирлаб кетганини маълум қилди. Ички ишлар ходимлари томонидан олиб борилган суриштирув ишлари натижасида Э. Анвар ёлғон кўрсатма берганлиги аниқланди. Унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддаси билан жиноят иши қўзғатилди.

**УЙ БЕКАСИНИ ЖАБРЛАДИ**

Уй бекаси Ш. Нозима Кўқон шаҳридаги «Мумтоз» бозорига харажат қилиш учун борганди. Номаълум шахс унинг «Нokia» русумли уяли телефонини олиб, қочиб кетди. Бундан хабар топган ички ишлар ходимлари суриштирув ишларини бошлаб юборишди. Натижада ушбу жиноятни содир этишда гумонланиб Д. Жамшид қўлга олинди.

**МАШИНА «ИШКИВОЗИ» УШЛАНДИ**

1987 йилда туғилган Х. Эркин «ВАЗ – 2106» русумли автомобилни қаровсиз қолдириб, уйига кириб кетди. Қайтиб чиқиб қараса транспорт воситаси кўйган жойида йўқ.

Эркин зудлик билан бу ҳақда Тошкент вилояти Зангиота тумани ИИБга хабар берди. Кўрилган чоралар натижасида ушбу жиноятни Ш. Зафар содир этганлиги аниқланиб, ушланди.

**Ё. БОБОЖОНОВ,**  
лейтенант.



# ҚОНУН — ҲУҚУҚ КАФОЛАТИ



## «ФУҚАРОЛАРНИНГ МУРОЖААТЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИГА ШАРҲ

### 3-модда. Фуқароларнинг мурожаат этиш ҳуқуқи

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари давлат органларига аризалар, таклифлар ва шикоятлар билан мурожаат этиш ҳуқуқига эга.

Йилнинг ўтган даврида кўплаб идора, корхона ва ташкилотларда текширувлар ўтказилиб, 5 та корхона раҳбарига паспорт тизими қоидаларини бузганлиги учун тегишли чора кўрилди. Ўзбекистонда бўлиш қоидаларини бузганлиги учун 3 нафар МДХ фуқароси мамлакатимиз ҳудудидан чиқариб юборилди. Шунингдек, профилактика инспекторлари билан ҳамкорликда ўз уйларида узоқ муддатларга кетган фуқароларни аниқлаш, қидириш ва уйларига қайтариш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Туман ИИБ паспорт бўлини маси томонидан маҳалла, мактаб, корхона, ташкилотларда паспорт тартиботи бўйича учрашувлар ўтказилди. 6060 кишига фуқаролик паспорти расмийлаштирилиб берилди. Уларнинг 1980 нафарини илк бор паспорт олган ёшлар ташкил этади. Бундан ташқари, паспорт тизими қоидаларини бузган 1326 нафар фуқарога нисбатан маъмурий баённома тузилиб, жарима ундирилди.

Амалга оширилаётган ишлардан кўзланган мақсад эса аҳоли тинч ва осойишта турмуш кечиришини таъминлашдир.

Мадамин МАТЧОНОВ,  
майор.

Хоразм вилояти.

## СУРАТЛИ АХБОРОТ

Юртимизда автомобилсозлик ривожланиб, автомашиналарнинг ихчам, қулай, бежирим, замон талаблари даражасидаги русумлари ишлаб чиқарилаётгани фуқароларимизни мамнун этмоқда. Уларни бошқариш ҳуқуқини олиш мақсадида ҳайдовчилар тайёрланадиган курсларда ўқиш истагини билдираётганлар сони тобора ортиб бораётган. Бўлажак ҳайдовчиларни пухта тайёрлаш, билимларини синовдан ўтказиш йўл-транспорт ходисалари содир этилишининг олдини олишда бош мезондир. Тошкент шаҳар ИИББ ЙХХБ рўйхатлаш-имтиҳонлаш бўлими ходимлари буни чуқур ҳис этган ҳолда фаолият юритишмоқда.

Суратда: бўлим инспектори, кичик сержант Б. Умаров ҳайдовчиликка номзодларнинг йўл ҳаракати қоидалари бўйича билимини текширяпти.

Абу КЕНЖАЕВ олган сурат.



## ОЛОВ — ТИЛСИЗ ЁВ

## БИР ҚИЁФАДАГИ ДЎСТ ВА ДУШМАН

Барчамизга яхши маълумки, кўпчилик ёнғин хавфсизлиги хизмати ҳақида тўлиқ тасаввурга эга эмас. Уларнинг назарида ўт ўчирувчилар фақат ёнғинларни ўчириш билан машғул, холос. Ёнғин хавфсизлиги хизмати бугунги кунда ҳаётимизнинг барча жабҳаларини қамраб олган десак, муболаға қилмаган бўламиз.

Айтиш жоизки, тизимда олиб борилаётган ислохотларнинг самараси ўлароқ, вилоят ИИБ ёнғиндан сақлаш бўлими бошқармага айлантирилди. Бунда фақат хизматнинг номи ўзгарибгина қолмай, балки ҳар бир йўналишнинг мукамал, самарали ишлашига замин яратилди, десак муболаға бўлмайди. Мисол учун аввалги Давлат ёнғин назорати бўлини масидаги ўзгаришларни келтириб ўтсак. Ислохотгача бўлинима зиммасида ёнғинларнинг олдини олиш (профилактика), ёнғинларни ҳисобга олиш, ёнғинга қарши тарғибот, меъёрий-техник қайд этиш умумий тарзда юритилган. Ислохотдан сўнг эса бўлим таркибидан тарғибот ва меъёрий-техник экспертиза йўналишидаги ишларни қайд этиш, алоҳида, муҳим ва тоифаланган объектларда ёнғин хавфсизлигини таъмин-

лаш учун алоҳида гуруҳлар ташкил этилди. Бундан йўналишдаги ишларнинг самараси, ходимларнинг масъулиятини ошириш мақсади кўзланган.

Бошқа бўлимлар фаолиятидаги кенг қўламли ўзгаришлар хусусида ҳам ижобий фикрларни айтиш мумкин. Масалан, хизмат йўналишида ёнғинларни тез ва талафотсиз ўчириш, ходимларнинг касбий маҳоратини ошириш асосий мақсад қилиб олинади. Аҳоли билан ҳамкорликка эътибор қаратилади. Бунинг учун масканларда мунтазам ёнғин ўчириш амалий ўқув машғулоти ўтказиб борилади. Ўқув машғулотида нафақат ходимлар маҳорати, балки фуқароларнинг ҳушёрлигини ошириш, ёнғин чиққанда бажарилиши зарур бўлган ҳаракатларни ўргатишга эътибор қаратилади. Бу каби саъй-ҳаракатлар ҳар қандай кўринишда-

ги ёнғинларни бартараф этишда нечоғли аҳамиятга эга эканлиги сир эмас. Айни кунларда бу ўзгаришлар ўз самарасини бермоқда, албатта. Янгиланишлар муносабати билан бошқарма ва унинг қўйи тизимидаги биноларни таъмирлаш ҳамда ободонлаштириш, қисмлардаги махсус ёнғин ўчириш техникалари базасини мустаҳкамлаш, уларни доимий жанговар ҳолатини таъминлаш ва шахсий таркибга етарли шарт-шароит яратиш ишлари олиб борилаётган.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида вилоятимизда 651 та ёнғин ҳолати қайд этилди. Бу ёнғинлар оқибатида 65 нафар фуқаро тан жароҳати олди, 18 нафари ҳаётдан бевақт кўз юмди. Ёнғинлар асосан эҳтиётсизлик, носоз электр тармоқлари, носоз иситиш ускуналари ва тизимларидан фойдаланиш, болаларнинг катталар назоратидан четда қолиб, олов ўйнаши оқибатида келиб чиққан. Офатларнинг асосий қисми (5,8 фоизи) аҳоли турар жойларида содир этилган ҳали-ҳамон «тарк этмаётган» бепарволиги-

мизнинг далили, десак адашмаган бўламиз.

Бу рақамларни келтиришдан мақсад улар сонини кўрсатиш эмас, балки келиб чиқишига сабаб бўлаётган омилларни аниқлаш, шу орқали фуқароларимизни ҳушёрликка, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилишга, кўзимизга «енг оддий ҳол» бўлиб кўринадиган хавфсизлик қоидаларига эътиборни қаратишдир.

Олов — инсоннинг нафақат дўсти, балки энг шафқатсиз душмани ҳамдир. Қачонки, унга эҳтиётсизлик билан муносабатда бўлинса, аянчли аҳволга солиб қўйиши мумкин. Унинг мудҳиш оқибатлари эпидемия, тошқинлар ва қурғоқчиликдан қолишмайди. У қаерда озгина «эркин» бўлса албатта, ёнғин келтириб чиқаради. Айниқса, болаларга бепарво қараб бўлмайди. Ёзнинг жазирама кунларида баҳорда кўзни қувнатдан ўт-ўланлар улар нигоҳида тез ёнувчи хашақка айланади. Ва назоратсиз қолган, қўлига гугурт олган боланинг эътиборини тортади.

Фарғона тумани Ёшлик кўчасида яшовчи М. Баҳодирнинг 7 ёшли ўғли Барқамол, Бешариқ тумани, Муқимий кўчасида истиқомат қилувчи И. Самаднинг 4 ёшли фарзанди Сардор иштирокидаги ёнғинларни ана шундай бепарволикка мисол қилиб келтириш мумкин.

Кўрилган моддий зарар арзимасдек туюлса-да, ўзлари сабаб содир бўлган ёнғин ҳодисаси болаларнинг хотирасида анча вақт сақланиши табиий. Ёнғинлар нафақат моддий зарар келтириши, балки инсонларнинг саломатлиги, ҳатто ҳаётига чанг солишини унутмаслик керак.

Соҳа ходимлари томонидан ёнғинларнинг олдини олиш борасида турар жой масканлари, халқ таълими муассасалари, корхона ва ташкилотларда ўтказилаётган учрашувлар, кенг миқёсдаги тушунтириш ишларининг самараси кўп жиҳатдан ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатларга боғлиқ.

Низомжон КАРИМОВ,  
Фарғона вилояти ИИБ ЁХБ  
бошлиғи, подполковник.

Ё, АЛҲАЗАР...

**Бир неча кундан бери Қумрихоннинг ичига чироқ ёқса ёришмайди. Икки кун олдин қизлари меҳмон бўлиб келишганди. Юраги гашланмасин, деб уларга ҳам миқ этмади. Уларни кузатиб қўйгандан кейингина турмуш ўртоғига дилини ёрди.**

— Дадаси, уйдаги атласларни кимдир ўғирлабди!  
— Бирортасидан гумонинг борми?  
— Борликка бор, — деди Қумрихон, — аммо...  
— Хўш?  
— Анави Назира уйда бўлсак ҳам, бўлмасак ҳам бемалол кириб-чиқиб юраверади.  
— Ахир у бегона эмас — туғишган акамнинг келини-я! Агар янглишсанг, бир умр юзкўрмас бўлиб кетишимиз мумкин.  
— Шунинг учун ич-этимни еб юрибман-да.  
Улар узоқ вақт жим қолишди. Пашша учса билингудек сукунатни ниҳоят турмуш ўртоғи бузди.  
— Бўлмаса Қўқонга бориб атлас бозорини бир айланиб келасан, тушундингми?  
Эртаси кунiek Қумрихон шундай қилди. Ранго-ранг

матолар билан савдо қилаётган сотувчиларга Марғилоннинг эски атласларидан кераклигини айтди. Шу тахлит Жураҳон исмли аёлга рўбарў бўлди.  
— Сиз излаган мато бизда булади-да, сингилжон, — деди у ва пештахта остидан салафандаги шахматнусха атласни олиб берди.  
Қумрихон уни қўлига олди-ю ҳам ҳайратдан, ҳам севинчдан кўзлари катта очилди. Атласни, ҳатто унинг салафанни таниди — ўзиники! Аммо дилидагини тилига чиқаришга, бу мато меники-ку, қаердан қўлингизга тушиб қолди, дейишга чўчиди. Синамаган отнинг сиртидан ўтма, дейишган. Сотувчи фавқулудда бақир-

чақир қилиб юборса, атрофдагиларга текин томоша бўлади.  
— Молингиз маъқул, аммо 41 метр экан, менга кўпроқ керак эди, опажон, — деди у.  
Қумрихон уйига қанот боғлаб учди. Вақтни бой бермай турмуш ўртоғи ва куёви ҳамроҳлигида яна бозорга қайтди. Жураҳондан

Шундан кейин улар Назирани бозорга олиб келишди. Жураҳон унга кўзи тушиши билан чакаги очилиб кетди.  
— Ҳой, менга қаранг, ўша кунни бир пайтлар бу атласларни аям олиб қўйган экан, пул зарур бўлиб қолганлиги учун сотялман, демаганмидингиз-а?!

Назира дув қизариб кетди. Аммо ноумид шайтон дейдилар, у сувдан қуруқ чиқишга уринди.  
— Мени кимгадир ўхшатяпсиз, сизни мутлақо танимайман. Бу гаплардан ҳам хабарим йўқ.  
Ким билади дейсиз, агар у айбини тан олиб узр сўраганида ва келтирилган зарарни қоплаганида қариндошлик ришталари узилмаслиги учун ёпиғлик қозон ёпиғлигича қолармиди. Аммо гумондор бунга имкон қолдирмагач, жабрланувчи Учқўприк тумани ИИБга ариза билан мурожаат қилишга мажбур бўлди.  
Тергов ҳаракатлари жараёнида масалага ойдинлик киритилди. Маълум бўлишича,

К. Назира кундуз кунни соат 11.00 ларда ўзи келин бўлиб тушган уйнинг ёнидаги, боз устига, турмуш ўртоғи томонидан қариндош ҳисобланган Х. Қумрихоннинг очиқ қолган эшигидан ғайриқонуний равишда ҳовлига кирган. Хонадон эгалари меҳмонхонанинг эшигини беркитиб қўйишни унуттишган экан. Назира оёқ учидан ичкарига кириб мебел ичида турган 180 метр — баҳоси 450 минг сўмлик Марғилон хонатласларини умарган. Кейин «улжа»ни Қўқонга олиб борган. А. Жураҳонга бир метри 2 минг 500 сўм турадиган матонинг ҳар метрини 1 200 сўмдан пуллаган.  
Сотиб улгурилмаган 41 метр хонатлас далилий ашё сифатида олинди ва бу ҳақдаги баённома қўзғатилган жиноят ишининг йиғма жилдига тиркаб қўйилди.  
Назиранинг қилмишига яраша ҳуқуқий баҳо берилди. Гап суд томонидан белгиланган жазонинг оғир-енгиллигида эмас, балки келин деган номга доғ туширилганида.  
**Раҳмонали ҚОСИМОВ.**  
*Фарғона вилояти.*

# ЎҒРИ КЕЛИН

бояги матони сўраб олиб, уларга кўрсатди. Жураҳон деганлари жанжални пулга сотиб оладиганлар хилидан эмас, балки оғир-вазмин аёл экан.  
— Бунни мен тўладан келган, бўйи пастроқ бир жувондан сотиб олгандим, — деди у бироз хижолат чекиб. — Ўзи айтмагандан кейин бунинг ўғирлик мол эканини туш кўрибманми!  
— Ўша жувонни кўрсангиз танийсизми?  
— Ҳа.

ОДАМ САВДОСИ - ЖИНОЯТ

**Азал-азалдан халқимиз меҳнатсевар, бағрикенг. Шижоату мардлик йигитларимизга, меҳридарёлик аёлларимизга хос фазилят. Ота-боболаримизнинг меҳмондўстлик, йиқилганни суяшдек олижанобликлари бугунги авлодгача мерос бўлиб келяпти.**

Бахтиёр ҳам билаги айни куч-қувватга тўлган, ақли-ҳуши жойида, бағри бутун йигитлардан. У 2008 йил сентябрь ойида оиласининг янада яхшироқ яшаши, орзу-ҳаваслари учун етарли пул топиш илнжидида қўшни давлатга кетади. Ўзига шериклар кераклиги боис Олот туманида яшовчи қариндошлари Вафо Аллабердиев, Элнуржон Аллабердиев, Зариф Эргашев, Воҳиджон Юлдашев ҳамда акаси Умар Наврўзовларни телефон орқали ёнига чорлади.  
Ўзлари учун қулай ва яхши даромадли иш топилганидан хурсанд бўлган ҳамюртлар Умар Наврўзов билан бирга самолётда Россияга учишди. Уларни Бахтиёр кутиб олиб, Санкт-Петербург шаҳри Гатчина шаҳарчасидаги уйлардан бирига ижарага қўйди.  
Эртаси кундан Бахтиёр юртдошларига нисбатан зўрлик ишлатиб, кўрқитиб, чет элда ноқонуний тарзда ушлаб турди. Бундан асосий мақсад уларга ҳақ тўламай, қурилишда ишлатиш эди. Бахтиёр ишлаб топилган пулларга ўзи эгалик қиларди.  
Суд мажлисида жабрланувчи Умар Наврўзов: «Укам Бахтиёрнинг сўзла-

рига ишониб, ўзга юртга ишлаш учун бордик. У паспортимиз ва ҳар биримиздан 1000 рублдан олди. Бу пуллар озиқ-овқат ва уй-жой учун эканлиги,

Бахтиёрдан пул сўрадик. Шунда у юртимиздан борган бир гуруҳ безори ўртоқларини бошлаб келиб: «Сизлар қул, мен нимани буюрсам, шуни қиласизлар. Бўлмаса, уйларингга ўлигинг кетади. Чўнтақларингга 3 грамм наркотик модда тиқиб, қаматтириб юбораман», дея дағдаға қилди».  
Ўз қондоши, юртдошларининг куч-қуввати, меҳнати эвазига текин бойлик орттириб, одам

кетди. Унинг зуғумидаги ҳамюртлари учун бу айни муддао эди. Улар Андрейдан пул ва паспортларини олиб, Москва шаҳрига боришди ва иш топиб ишлашди. Умар Наврўзов, Воҳид Юлдашев, Вафо Аллабердиев, Элнур Аллабердиев, Зариф Эргашевлар мусофирликни бошларидан кечириб, 2008 йилнинг сентябрида она юртларига қайтишди.

Ҳукм ўқилди. Судланувчи Бахтиёр Наврўзов Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддасига асосан озоликдан маҳрум этилди.

Шу ўринда бир мулоҳаза. Бугунги кунда ўзга юртларга ноқонуний кетаётган фуқароларимиз қийин аҳволга тушиб қолаётгани ҳақида кўп эшитаяпмиз. Тафсилоти билан танишганимиз жиноят ишида бир-бирига яқин инсонлар, бир эл фарзандларининг аянли аҳволдан воқиф бўлдик.

Ўзгалар ҳисобидан бойлик орттиришга ор қилмайдиган, пул учун бетуноҳ инсонларга жисмоний ва маънавий зарар етказадиган шахсларни ким деб аташ мумкин? Бахтиёр Наврўзов ҳам ўз нафси учун инсонийлик қиёфасидан чиқиб, яқин қадрдонларига озор берди. Охир-оқибатда эса ўз қилмишининг уволитутди.

Панжара ортидаги ҳаёт Бахтиёрнинг кўзини очиб қўйса ажаб эмас.

**Бахтиёр ХОЛОВ.**  
**Лолахон МАНСУРОВА.**  
*Бухоро вилояти.*

ЭЪТИБОРСИЗЛИК ОҚИБАТИ

# «РАҲМАТ СЕНГА, ЖАССИ!»

Марҳамат туманида яшовчи Акбаржон Иномов яхши ниятлар билан уй-жой кура бошлади. Қурилиш биттунча ҳали у кам, ҳали бу кам. Бунга қадар ҳовлининг этагига экилган тераклар ишлатишга яроқли бўлиб қолди. Акбаржон уларни кесиб, тўсинга ишлатмоқчи, шу тариқа чала қолган уйни битказиб олмоқчи бўлди. Енг шимариб келгач кўрдикки, теракнинг олти тупи йўқ. У қўшнидан сўради, бу қўшнидан сўради, натижа чиқмади. Охири мартга келганида кимдир уларни ташлаб кетган эди. Акбаржон шу заҳоти туман ИИБга мурожаат этди. Тез орада ўғри аниқланди. У шу маҳаллада яшовчи, муқаддам судланган, бирор фойдали ишнинг бошини тутмаган Ш. Неъматжон бўлиб, эҳтиёжи учун пул топа олмагач Акбаржоннинг ҳовлисида ўсаётган, қиймати 600 минг сўмлик теракларни кесиб кетган экан.

Вилоят ИИБ томонидан тақдим этилган ҳужжатларда бу каби мисолларни кўплаб учратиш мумкин. Уларни таҳлил қилиб шунга амин бўлдикки, кунлик жиноятларнинг 15-20 фоизини ўғрилик ҳодисалари ташкил этяпти. Шаҳарларда кўп қаватли уйлар назоратсиз қолиши оқибатида мулкларни ўзлаштиришга имкон туғилмоқда. Ўғрилар хонадонлардаги қимматбаҳо буюмларни ҳатто кундуз кунлари ҳам умариб кетишяпти. Андижон шаҳридаги 3-кичик даҳада яшовчи Нурали Обидовнинг хонадонидан кимдир 1 млн. 150 минг сўмлик радиотехника асбоб-ускуналарини «шмон» қилган.

Андижон туманида яшовчи Раҳмон ака Солиев оила аъзолари билан бирга «Жассига ўхшаши йўқ» телесериалини томоша қилгач, молхонасидан хабар олди. Не кўз билан кўрсинки, сигир жойида йўқ, деворга эса ўғрилар «Раҳмат сенга, Жасси!» деб ёзиб қўйишган экан. Эътиборсизлик Раҳмон ака учун қимматга тушди.

Қишлоқ жойларда асосан уй ҳайвонларини ўғирлаш одат тусига кирган. Туманларда аксарият хонадонлар қўрғон девор билан ўралмаган. Шундай жойлар борки, қишлоқнинг асосий йўли ҳовлини кесиб ўтади. Уй соҳиблари йўлнинг бу томонида яшашса, молхонаси нариги томонда жойлашган. Бундай қулай имконият табиийки, ўғрилар учун керагидан ортиқ шароит яратиб бермоқда. Энг ёмони шундаки, фуқаролар йўқолган чорва молларини икки-уч кун давомида излаб топа олмагачгина сўнгги умид сифатида ички ишлар бўлимига мурожаат этадилар. Бу пайтда эса қорамоли сўйилган ёки сотилган бўлади.

Озгина ҳушёрликни оширсак, юқоридаги каби ҳолатларнинг олди олинарди.

**Саминжон ХУСАНЗОДА.**  
*Андижон вилояти.*

# ИНСОНИЙ ҚИЁФАСИНИ ЙЎҚОТИБ...

заводга ишга кириш ҳал бўлгунча у буюрган ишларни бажариб, мардикорлик қилишимиз, пулини ўзи гаплашиб олиб беришини айтди. Бир-икки кун ўтгач, бир рус одаманикига олиб бориб, қор куратди. Пулини эса ўзи олди. Бошқа кунни ҳаммаёқ музлаган пайтда газ қувури учун 12 метр узунликда, чуқурлиги ва эни 1 метр келадиган ариқ қаздирди. Аммо пулига келганда... Бахтиёр Россия фуқаролари билан гаплашиб, иш топиб, бизни ишлатса-да, меҳнат ҳақимизни ўзи оларди.

савдоси билан шуғулланаётган Бахтиёр уларнинг бола-чақаси, инсоний гурури борлигини уйлаб ҳам кўрмади. Ёлланган ишчилар Анатолий исмли кишининг ёғочларини «КамАЗ» машинасига юклагани учун 2500 рубль ишлашади. Андрей исмли киши ишлатгани учун 5500 рубль ҳақ берди. Март ойининг бошларида уларнинг бешовига 50 000 рубль, кейинроқ ҳар бирига 5000 рублдан улашади. Афсуски, бу пуллар ҳам Бахтиёрга насиб этади.

Апрель ойининг ўрталарида «ҳожатбарор» Бахтиёр Ўзбекистонга жўнаб

## ДЗЮДО

## РИШОД КУЧЛИЛАР САФИДА

Пекин олимпиадасида кумуш медалга сазовор бўлган ҳамюртимиз Ришод Собировнинг номи дунё полвонларининг энг кучлилари сафида қайд этилди. Халқаро дзюдо федерацияси эълон қилган янги рейтингда Ришод Собиров голландиялик Жерун Муурен билан бир хил очко тўплаб иккинчи ва учинчи ўринларни банд этган. Уларнинг йиққан очколари 392 тага етган. Биринчи ўринда 572 очко тўплаган австриялик дзюдочи Людвиг Пишер бормоқда.

## УМИДЛИ СПОРТЧИЛАРИМИЗ

## ОТА КАСБИНИ АРДОҚЛАБ

Маълумки, ҳар йили республика «Динамо» жисмоний тарбия ва спорт жамияти томонидан тармоқ ходимлари ўртасида ёнгин ўчириш амалий спорти бўйича мусобақалар ўтказиб келинади. Бу мусобақалар ходимларнинг касбий ва жанговар тайёргарлигини ошириб, унда эгалланган тажрибалар ёнгинларни ўчиришда кенг қўлланилади. Вилоят ИИБ ЁХБ терма жамоа аъзолари таркибида иқтидорли спортчилар бор. Улар кўлга киритаётган ижобий натижалар кишини қувонтиради. Вилоят терма жамоа аъзоси, 5-ХЎХҚ инспектори, катта лейтенант Шерзодбек Султонов ҳам ана шундай умидли, келажаги порлоқ спортчиларимиздан.

Оилавий муҳит сабаб Шерзод спортнинг ушбу йўналиши билан шуғуллана бошлайди. Боиси, دادаси Ақобир Султонов узоқ йиллар Олтиариқ тумани ИИБ ЁХБда ишлаган. У содир бўлган ёнгинларнинг сабабларини оилада турмуш ўртоғи билан муҳокама қиларди. Ана шуларни эшитган Шерзодбекнинг кўз ўнгидан содир бўлаётган ёнгин, соҳа ходимларининг одамларни қутқариб қолиш пайтидаги жасоратлари ўтаверарди. Дадасининг ҳикоялари таъсирида унинг кўнглида ота касбига меҳр уйғонди.

Шерзод даставвал соҳа ходимлари учун касбий маҳорат жуда катта аҳамиятга эга эканлигини англаб етганидан сўнг ёнгин ўчириш амалий спорти билан шуғулланишга қарор қилди. Ўзи истиқомат қилаётган Олтиариқ туманидаги 10-умумтаълим мактабида таҳсил олаётган давридан бошлаб бу спорт тури билан шуғулланади. 15 ёшида вилоят ИИБ ЁХБ катта мураббийи Толибжон Султонов тақлифи билан терма жамоа сафига қабул қилинди. Машғулотларни ёш кўнглида ўт ўчирувчи сифатида

бошлади. Терма жамоа сафига вилоят, республика миқёсидаги кўплаб мусобақаларда иштирок этиб, фахрли ўринларга сазовор бўлди.

2001 йил Навоий вилоятида ўтказилган республика мусобақасида амалий спортнинг ишғол қилиш нарвони орқали ўқув минорасининг учинчи қаватига кўтарилиш турида фахрли иккинчи ўринни кўлга киритиб, спорт усталлигига номзод бўлди. 2004 йили ўтказилган республика чемпиони эса Шерзоднинг ҳаётида яна бир бурилиш ясади. Унда жамоа ҳисобида фахрли биринчи ўринни эгаллаган бўлса, кўлга киритган натижалари инobatга олиниб, республика терма жамоаси сафига қабул қилди. Шунингдек, Украинада ўтказилган ёнгин ўчириш амалий спорти бўйича жаҳон чемпионида иштирок этиш шарафига муяссар бўлди. Шерзодбек шу йили ўқишни тамомлаб, вилоят ИИБ ЁХБда меҳнат фаолиятини бошлади. Унинг мусобақалардаги иштироки ёнгин чиққанда ҳамда фавқулodда

вазирларда ҳаракатларнинг аниқ ва тезкорлигини таъминлашда муҳим роль ўйнади.

— Меҳнат инсонни қадрлайди, — деб бежиз айтилмаган экан, — дейди у. — Ота касбига бўлган меҳрим ва иштиёқим туфайли бугун ўзим ёқтирган соҳада ишлаб келяман. Айниқса, жаҳон миқёсидаги мусобақаларда иштирок этиш орқали хорижлик ҳамкасбларим билан учрашиш ва ўзаро тажриба алмашиш кун сайин маҳоратим ортиб боришида муҳим омил бўляпти. Жумладан, 2006 йил октябрь ойида Эрон Ислom Республикасида ўтказилган учинчи жаҳон чемпионида иштирок этиш бахтига муяссар бўлдим. Буларнинг барчаси фаолиятимда ёнгин ҳолатларда хавфни қисқартириш ва инсонлар ҳаётини асраб қолишда кўл келади, деб ўйлайман.

Ҳа, яхши ният инсонга йўлдош, дейишади. Умидли спортчимизнинг орзулари ушалиб, оиласи тинч ва тотув бўлишини тилаймиз.

Адолат АБДИЕВА,  
капитан.

Фаргона вилояти.

## ШАХМАТ

## РУСТАМ БЕШИНЧИ ЎРИНДА

Испаниянинг Сан-Себастьян шаҳрида давом этаётган халқаро шахмат фестивалининг кейинги турларида Рустам Қосимжонов перулик Хулио Грандани маглубиятга учратди. Словакиялик Сергей Мовсесян билан эса дуранг натижага эришди. Ҳамюртимиз, жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов ҳозирча бешта дуранг ва битта ғалабага эришиб, турнирнинг бешинчи поғонасини эгаллаб турибди.

## ДУНЁ СПОРТИ ЯНГИЛИКЛАРИ

## ФАОЛИЯТИНИ ТУГАТДИ

Икки қарра Стэнли Кубоги соҳиби, 2002 йилги Олимпиада ўйинлари голиби, Миллий хоккей лигасининг «Колорадо Эвеланш» жамоаси сардори Жо Сакик ўз фаолиятини яқунлаганини маълум қилди. Сакик МХЛда 20 мавсум ўтказиб, рейтинг жадалининг саккизинчи поғонасидан жой олди. 40 ёшли шайба устаси 1994 йилда Канада терма жамоаси таркибида жаҳон чемпиони бўлган. Спортчи олган жароҳати туфайли 2007–2009 йиллардаги мавсумни ўтказиб юборишга мажбур бўлди.

## КЛИЧКО – ПОВЕТКИН ЖАНГГИ

Бокс бўйича IBF (Халқаро бокс федерацияси) йўналишида жаҳон чемпиони оғир вазли чарм кўлқоп устаси украиналик Владимир Кличко россиялик Александр Поветкинга қарши рингга чиқади. Бу ҳақда промоутер Калле Заурланд маълум қилди. Унинг айтишича, Кличко – Поветкин жангги шу йилнинг сентябрь ойида ёки йил охирида бўлиши кўзда тутилмоқда.

ЎНИНЧИ БОСҚИЧ  
ГОЛИБЛАРИ МАЪЛУМ

«Тур де Франс» велопойгасининг 10-босқичи голиблари маълум бўлди. Унга кўра, англиялик спортчи Марк Кавендиш 194,5 км масофани 4:46:43 натижа билан марра чизигини биринчи бўлиб

босди. Иккинчи ва учинчи ўринларни Тор Хусховд (Норвегия) ва Тайлер Фаррар (АҚШ) банд этишди.

## УХОВ ЭНГ БАЛАНД САКРАДИ

Афина шаҳрида енгил атлетика бўйича Гран-при мусобақаси бўлиб ўтди. Баландикка сакраш баҳсида россиялик спортчи Иван Ухов учинчи ўринида 2,34 метр натижа билан биринчи ўринни кўлга киритди. Чехиялик Яраслав Баба ҳамда Жесси Уильямс (АҚШ) кейинги поғоналарни банд этишди.

## ЧОПҚИРЛАР ЛОНДОНДА УЧРАШАДИ

Сайёрамизнинг икки энг номдор чопқирлари Усэйн Болт ва Тайсон Гай Берлинда ўтказилган жаҳон чемпионатининг югуриш йўлакчаларида учрашмайдиган бўлишди. Бироқ спортчилар йўли 24-25 июль кунлари Лондон шаҳрида бўлиб ўтадиган мусобақанинг 200 ва 100 метр масофага югуриш баҳсларида кесишади.



## СУРАТ БИЗДАН, ИЗОҲ СИЗДАН

«ҚОРНИ ТЎҚ МУШУКВОЙИМ,  
ҚУШЛАРГА ҲЕЧ ҚАРАМАС»

ка инспектори, капитан Фурқат Мамадиев ўз изоҳида шундай дебди:

Қорни тўқ мушуквойим,  
Қушларга ҳеч қарамас,  
Боқиб олганим учун,  
Мендан ҳечам айрилмас.

Хоразм вилояти жиноят ишлари бўйича Шовот тумани судининг ходими Р. Курбонбоевнинг ҳам изоҳи ўзига хос:

Танишинглар кабутарлар,  
Бу Бароқвой мушукчам,  
Яна уйимда бор менинг,  
«Лайка» деган кучукчам.

Навоий вилояти Учкудук тумани ИИБ хузуридаги кўриқлаш бўлинмаси ходими, сафдор Анвар Саломов:

Не қиларкин билмадим,  
Ҳайрон турар мушукча,  
Қушларни ейишига,  
Қўярмикин шу қизча,  
дея ҳазил-суратни изоҳлабди.

Шунингдек, Тошкент шаҳар ИИББ ЙХХБ ходими, сафдор А. Мамазияев, Самарқанд ви-



Изоҳларингизни мактуб ёки 231-48-41, 254-37-91 рақамли телефонлар орқали билдиришингиз мумкин.

## Табриклаймиз!

Ички ишлар идоралари фахрийси, истеъфодаги подполковник Ҳамидулла АБДУЛЛАЕВ табаррук 75 ёшга тулди. У кўп йиллар «Постда» – «На посту» газеталари таҳририятида фаолият юритган. Айни кунларда ҳам ўзининг қизиқарли бошқотирмалари билан газета ва журналлар саҳифаларида қатнашиб келмоқда. Кекса ижодкорга узоқ ва мазмунли умр, мустақкам саломатлик ва оилавий хотиржамлик, яна кўп йиллар даврамизни тулдириб юришини тилаймиз.

ИИБ Бирлашган таҳририяти жамоаси.

Ички ишлар идоралари фахрийси, истеъфодаги капитан, падари бузрукворимиз Жаҳонгир ота МАМАТОВни табаррук 80 ёшга тулгани билан самимий муборакбод этамиз. Меҳрибон далажонимизга узоқ ва мазмунли умр, мустақкам саломатлик тилаймиз. Азиз отажонимиз бахтимизга яна кўп йиллар саломат бўлиб, фарзандлари, невараларининг камолини кўриб, шоғирдлари ва сафдонлари лаврасини тулдириб юришини Яратгандан сўраб қоламиз.

Эҳтиром ила оила аъзолари.



Ҳозиржавоб, топқир мухлис-ларимизга раҳмат. Назм шайдо-сига ошно лойиҳамиз иштирокчилари бу сафар ҳам ижод намуналари билан қатнашишди. Изоҳларнинг энг саралари билан таништирамиз.

Тошкент вилояти Янгийўл тумани 28-мактаб ўқувчиси Иқбол Турғунов куйидагича изоҳ йўллабди:

Бошин эгиб бароқвой,  
Уз сўраб турибди.  
Хаттоки у қушларнинг  
Сафига кўшилибди.

Яна бир янгийўллик Эъзоза Илғорзоданинг ижоди куйидагича:

Бароқ мушук ўқитувчи,  
Қушлар эса ўқувчи,  
Бунда хатто мушукнинг,  
Эгаси ҳам ўқувчи.

Қашқадарё вилояти Китоб тумани ИИБ ҲООб профилакти-

ҲАЁТ СЌҚМОҚЛАРИДА

# ҚАЙНОНАНИНГ ИЗТИРОБЛАРИ

**Бир куни касб тақозоси билан туман фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш идорасига бордим. Навбат кутиб тургандим, ёнимга бир аёл келиб ўтирди. Унга секингина назар ташладим, аёл нимадандир безовта эди. Опага гап ташлагандим, ичи аламга тўлиб-тошиб турган эканми, дардини тўкиб солди...**

«Эҳ синглим, айтсам тилим, айтмасам дилим куяди. Ўттиз йилдан зиёд мактабда ўқитувчилик қилиб, нафақага чиқдим. Минг бора шукр, ҳамқишлоқларим орасида хурматим бор, шогирдларим ҳаммиша йўқлаб туришади. Ҳар бир она орзу қилганидек, фарзандларим бахту камолини кўрсам, дегандим. Шу боис, ёлғиз ўғлимни уйлантириш тараддудига тушдик. Ўғлим кўнглимга қараб келин танлашни ҳам ўзимга қўйиб берди. Қўшни қишлоқдаги ўқимишли бир қизни кўз остимга олиб қўйгандим. Уларниқига совчиликка бордим. Учрашувга борганида менинг қистовим билан ўғлим бўлғуси келинга уяли телефон совға қилганди...

Орзу-хавас қилинган тўй ҳам бўлиб ўтди. Тўй чарчоғини чиқариб, дам олмакчи эдим, афсус ундай бўлмади. Хонадонимга туш-

ганига бор-йўғи бир кун бўлган келиним овозини баралла қўйиб: – Хўжайин эмассан, нима қилишни ўзим яхши биламан. Ким билан ва қачон гаплашишни ўзим ҳал қиламан. Қани, қўлингдан нима келарди?! – дея эрига ўзининг гапини ўтказмоқчи бўлди.

Воқеа бундай бўлибди. Келинкуёв сўхбатлашиб ўтиришса, келинимнинг телефони жиринглаб қолибди. У томорқа томонга ўтиб, ким биландир ярим соатча гаплашибди. Ўғлим «Бу ерда эмас, ичкарига кириб гаплашинг», деса у ўз билганидан қолмабди. Вақт алламаҳал бўлгани учун уйдагиларнинг ороми бузилмасин, дея ўғлим муроса қилмоқчи экану, аммо уддасидан чиқолмабди.

Отаси иккимиз ўғлимни тинчлантиришга уриндик. Ҳали келин ёш, ҳаммаса яхши бўлиб кетади, деган умидда эдик. Афсус-

ки, бу ҳолат кунора такрорланар, барчамизнинг тинчимиз бузилди. Охири маслаҳатлашиб уйимизга қудаларимизни чақирдик ва уларга бор гапни очиқ-ойдин айтдик. Қизининг хунук қилиғидан изза бўлган отаси унинг қўлидаги телефонни олиб кетмоқчи бўлди, аммо қизи ҳам бўш келмади.

– Телефонни сиз эмас, анави олиб берган, – дея отасини қайтариб ташлади.

Ҳа, энди бироз инсофга келар, деган ўй билан кунларни ўтказдик. Кундан-кунга муносабатлар чигаллашиб борарди. Беғалва ўтирадиган кунимиз бўлмади.

Боламнинг рангига қараб, ичтимни ердим. Келин танлашда шошқалоқлик қилганим қимматга тушганини кеч англадим. Фарҳоджоннинг аҳволига қараб юракбағрим эзилади. Ўғлим мени аяб ҳечам таъна қилмайди.

Бу орада келинчак уч-тўрт марта ота уйига кетиб қолди. Яхшиямки, қудаларим ориятли инсонлар, узр сўраб қизларини қайтариб олиб келиб қўйишди. Бир-икки гал ўзим бориб келинимни олиб келдим.

Тўй ўтганига мана етти ой

бўлди. Кеча келиним яна уйига кетиб қолди. Сабаби, ўша телефон можароси. Тунми, тонгми унга барибир, ҳовлининг пана жойларига бориб, соатлаб сирли сўхбат қураверади. Бу сафарги кетиши менимча узил-кесил бўлди, шекилли. Сабаби, у кетар чоғида бизнинг кўз ўнгимизда ўғлимни ер билан битта қилди.

«Менинг ўз кўнглим қўйганим бор. Сенга ўхшаган латта эр асло керак эмас. Сен билан бирга яшайдиган кўра, у билан ҳатто телефонда гаплашиш менга ҳузур бахш этади. Қорнимдаги болани ҳам меники, деб хомтама бўлиб юрма...», дея шартта гапириб ташлади.

Боши эгик қолган ўғлимнинг бахти кемтик бўлганидан кўнглимга қил ҳам сизмайди. Нима қиларимни билмайман, боши берк кўчага кириб қолдим.

Ҳеч бир она мен каби адашмасин. Фарзандини бахтсиз қилиб қўйишдан ҳам оғирроқ азоб йўқ экан. Менинг хатоим бошқаларга сабоқ бўлса, дейман.

Ҳалима опанинг ҳасратини оққа кўчирувчи

**Соҳибжамол АМИНОВА,**  
Қашқадарё вилояти.

ҲАР КИМКИ ЖАФО ҚИЛСА...

# МАККОРАНИНГ МАКРИ



Аёл кишининг макри қирқ туяга юк бўлади, дейишади. Сарвиноз ҳам шундай маккоралар сирасидан. Агар шундай бўлмаганда у ўз айбини турмуш ўртоғи билиб қолмаслиги учун икки инсонга тўхмат қилиб, уларни талончиликка айбламаган, бошларига балолар ёғдирмаган бўларди.

Сарвиноз турмуш ўртоғи Карим билан бир йилча яшди. Бўйни ишга ёр бермасдан, яхши еб, яхши яшашга ўрганган жувон турмуш шароитига кўниқолмасдан қорнидаги ҳомиласи билан ота уйига қайтиб келди. Вақтсоати етгач, «кўзи ёриди». Турмуш ўртоғи ҳам ундан қутула олмай турган экан шекилли, бирон мартаба бўлсада кўриш учун қайнотасининг уйига бормади. Сарвиноз ҳам ўтган умрини сарҳисоб қилиб, хатоларга йўл қўймаслик йўлини изламади. У ич-этини ейдиган аёллар сирасидан эмасди.

Бир куни кўчага чиққан аёл ўз нозу карашмалари билан Толиб исмли йигитни тўрига илтирдди. Гулдай оиласи, фарзандлари, бўла туриб унинг боши айланиб қолди. «Ахир, Сарвиноз оила, рўзғор ташвишлари билан бўлиб, пардоз-андозга вақт тополмай қолган хотинимнинг олдида бир гул-ку» деб ўйлади. Аммо бу «гул»нинг ўзига яраша тиканлари бўлишини мулқо-

унутиб қўйди. Орадан икки йил ўтгандан сўнг жувонни шаръий никоҳига олди. Шу билан Сарвиноз бир оиланинг бекаси бўлиб, хонадонни гуллатиб ўтирди десангиз мулқо янглишасиз. У табиатан енгилтак аёл бўлгани учун эрнинг келишини кўзи тўрт бўлиб кутиб ўтирмас, доимо ўзига ёққан эркекларни кўрганда одоб-ахлоқ чегараларидан ҳатлаб ўтишга тайёр эди.

Бир куни у балкондан кўчага қараб, ўтган-кетганни томоша қилиб ўтирарди. Пастда нотаниш эркек имо-ишоралар билан уни ёнига имлади. Аммо Сарвиноз турмуш ўртоғи ҳали замон келиб қолишини билгани учун унга рад жавобини берди. Эртаси куни шу ҳолат яна такрорланди. Сарвиноз уни уйига таклиф қилди. Чунки Толиб зарур иш билан икки-уч кунга Фарғонага кетган эди. Мақсадига эришган нотаниш йигит бу воқеани ўртоғига мақтаниб сўзлаб берди. Дўсти бутунлай ёт эркекни уйига киритиб, меҳмон қиладиган хонимга қизиқиб қолиб, бирга яна ўша хонимникига боришга кўндирди. Йигит уни Сарвинозникига етаклаб борди. Шу тариқа олам залолат ботқоғига ботганлардан яна бир фарёд урди. Уйдаги шовқин-суронни эшитиб чиққан қўшни аёлга Сарвиноз улар турмуш ўртоғининг дўстлари эканлиги, Толиб акасини қутишаётганини айтиб, ёлғонни

га кўндирди. Йигит уни Сарвинозникига етаклаб борди. Шу тариқа олам залолат ботқоғига ботганлардан яна бир фарёд урди. Уйдаги шовқин-суронни эшитиб чиққан қўшни аёлга Сарвиноз улар турмуш ўртоғининг дўстлари эканлиги, Толиб акасини қутишаётганини айтиб, ёлғонни

қалаштирди. Спиртли ичимлик истеъмол қилингандан кейин Сарвиноз ақл бовар қилмас шарт қўйди. Унинг шартига кўнишдан ор қилган жазманлардан бири аёлни дўппослади.

Толиб Фарғонадан қайтиб келганида хотинининг лаблари ва ўнг оёғининг болдир қисми жароҳат олган эди. Сарвиноз ўзини оқлаш учун икки босқинчи уйга кириб, уни уриб чиқиб кетганлигини айтди. Шунингдек, қўлоғидаги зиракни олиб кетишганини билдирди. Шунда эри бу ҳақда ички ишлар идорасига мурожаат қилиши лозимлигини айтганда Сарвиноз бош тортди. Аммо Толиб шундай қилмаса, уни ташлаб кетишини маълум қилди. Шунда Сарвиноз Андижон шаҳар ИИБ га бориб, ўзи истиқомат қилаётган хонадонда босқинчилик жинояти содир этилганлиги ҳақида ариза билан мурожаат қилишга мажбур бўлди. Аризада тилла зирак, занжир ва 60 минг сўм пулини олиб чиқиб кетишганини кўрсатди. Дастлабки тергов ҳаракатлари давомида Сарвиноз ўз айбига иқроқ бўлиб тўхмат уюштиргани, қилмишидан пўшаймон эканлигини айтди.

Адолат қарор топди. Эридан қилмишларини яшириш мақсадида икки инсоннинг юзига қора чапламоқчи бўлган аёл бутун ўз хатти-ҳаракати учун жавоб бермоқда. Биз ўша икки йигитни оқламоқчи эмасмиз. Улар рўзғорга, уйда кўз тикиб ўтирган қора кўзларга илтинмай ризқини кўча аёлларига тутқазганини ҳеч қачон кечириб бўлмайди. Сарвинозга келсак, у Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг қатор моддалари билан айбланди.

**Нилуфар МҰМИНОВА,**  
майор.

Андижон вилояти.

Қашқадарё вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва фахрийлар кенгаши ички ишлар идоралари фахрийси, истеъфодаги подполковник  
**Аҳмаджон АСТОНОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Қарши шаҳар ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва фахрийлар кенгаши ЖК ва УЖҚКБ тезкор вакили, лейтенант  
**Шерзод САЛЯМОВ**нинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила-си ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

## БЕДАРАК ЙЌҚОЛГАН

Тошкент вилояти Янгийўл шаҳар ИИБ томонидан **Ли Виолета Леонидовна** бедарак йўқолгани учун қидирилмоқда. У 1993 йилда туғилган, Янгийўл шаҳар Наврўз даҳаси 4-уй, 25-хонадонда яшаган. 2009 йилнинг апрель ойида уйдан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.



**Белгилари:** бўйи 160-165 см, сочи қора, калта, қиррабурун.

**Кийимлари:** оқ кофта, қора сарафан, қора колготка, қора туфлида бўлган.

**Алоҳида белгиси:** пастки лабининг ўнг томонида 1-2 см татлиқда чандиғи бор.

**В. Лили кўрган, қаердалиги ҳақида маълумотга эга фуқаролардан Янгийўл шаҳар ИИБ ёки яқин орада жойлашган ички ишлар идорасига хабар беришларини сўраймиз.**

## ҚИДИРИЛМОҚДА

Андижон вилояти Шаҳрихон тумани ИИБ томонидан қуйидаги шахслар жиноят содир этиб, тергов идораларидан қочиб юрганлиги учун қидирилмоқда.

**Абдулатиф Раҳмонович Саримсоқов.** 1975 йилда туғилган. Шаҳрихон шаҳри Чинобод кўчаси, 55-уйда яшаган.



**Низомжон Солидҷонович Самиев.** 1975 йилда туғилган. Шаҳрихон шаҳри Бахмал кўчаси, 55-уйда яшаган.



**Анваржон Абдувоитович Шарафудинов.** 1974 йилда туғилган. Шаҳрихон шаҳри Бахмал кўчаси, 5-уйда яшаган.



**Расулжон Абдурахимович Раҳматов.** 1974 йилда туғилган. Шаҳрихон шаҳри А. Расулов кўчаси, 74-уйда яшаган.



**Ўткиржон Авазович Назарбеков.** 1976 йилда туғилган. Шаҳрихон шаҳри Мустақиллик кўчасида яшаган.



**Юқорида номлари зикр этилган шахсларни кўрган, қаердалиги ҳақида маълумотга эга фуқаролардан Шаҳрихон тумани ИИБга ёки яқин орада жойлашган ички ишлар идорасига хабар беришларини сўраймиз.**

Сурхондарё вилояти Бойсун тумани ИИБ томонидан жиноят содир этиб, тергов идораларидан қочиб юрган **Зулфия Ўриновна Эргашева** қидирилмоқда. У 1963 йилда туғилган, Бухоро вилояти Ғиждувон тумани А. Қаҳҳор кўчаси 128-уйда яшаган.

**Белгилари:** бўйи 170-175 см, кўзлари катта, бурни пучук, сочи қизғиш рангда, қошлари қора, ёйсимон.

**З. Эргашевани кўрган, қаердалиги ҳақида маълумотга эга фуқаролардан Бойсун тумани ИИБга ёки яқин орада жойлашган ички ишлар идорасига хабар беришларини сўраймиз.**

# БЕТОЙИМ

Аёл-меҳрибон она, сеvimли ёр, хонадонни чароғон қилиб турувчи зиё, вафо, садоқат тимсоли. Не-не буюкларни улғайтирган муҳтарам зот. Шундай экан, у ҳақда қанча ёзса, мадҳ этса кам. Айниқса, юрт тинчлиги, осойишталиги йўлида ички ишлари идоралари ходими либосини кийиб хизматга отланаётган аёллар хусусида сўз борар экан,

## ДИЛБАР АЁЛ

Негаки, ички ишлар идораларида ишлашнинг ўзига хос кийинчиликлари ҳам борки, бу аёл кишидан катта масъулият, мустаҳкам ирода ва чуқур билим талаб қилади. Оилада икки фарзанднинг меҳрибон онаси, сеvimли рафиқа бўлиш билан бирга республика ИИБ хузуридаги «Кўриқлаш» бирлашмасида хизмат қилиб келаётган капитан Дилдора Набихонова ҳам ана шундай дилбар аёллардан биридир.

Дилдора 1999 йилда республика ИИБ Академиясини битириб, ички ишлар идо-

раларида фаолиятини Транспортдаги ИИБ терговчиси лавозимидан бошлади. Ҳозирда республика ИИБ хузуридаги «Кўриқлаш» бирлашмасида ўзининг фидойилиги, қолаверса, гўзал инсоний фазилатлари билан ҳамкасблари ҳурмати-га сазовор бўлиб келмоқда.

– Бўлимимизнинг асосий вазифаси республикамиз ҳудудидаги банк муассасаларини кўриқлайдиган саф бўлималаримиз ишини ташкиллаштиришни назорат қилишдир – дейди капитан Д. Набихонова. – Бу ишда ўзининг маслаҳатларини, йўл-йўриқ курсатишларини аямай-диган, устозимиз подполковник Нўмон Мўминовдан миннатдоримиз, албатта.

Дилдоранинг турмуш ўртоғи капитан Саидмуродхон Набихонов Транспортдаги ИИБ ЁХБ бўлинма бошлиғи.

Эл-юрт тинчлиги осойишталиги йўлида хизмат қилаётган, капитан Дилдора Набихонова турмуш ўртоғи билан биргаликда икки нафар фарзандини эл-юртта садоқат руҳида тарбияламоқда.

Умида БОЛЛИЕВА,  
«Поста» муҳбири.



Суратда: Дилдора Набихонова иш пайтида.  
Абу КЕНЖАЕВ олган сурат.

## ЎГИТ

# ҲАР КИМНИНГ ЎЗ ЮМУШИ БОР

фоқо, бир аёл кишининг от етаклаб сой томон кетмоғига назаримиз тушди. Шунда бизни ўй чулғади. Мулозим йўллаб, ул ожизанинг эркагини топдириб келтирдик. Савол айладик:

– Нечук, завжангизни от суғорғали йўллайсиз? От суғормоқ эркак кишининг хизмати-ку?!

– Соҳибқирон, – жавоб айлади ул киши, – от боқиш, от суғориш ҳам эркакнинг юмуши эканини биламан. Аммо уйимга қоплон-сифат тўрт навқаринг тушибдур. Уларнинг

ниятин билмасман. Шу боисдан аёлимни от суғормоққа йўллаб, уйда қолган икки буйдор қизимни кўриқламоқ истадим...

Биз мулоҳазага берилдик. Ва ўз хатоимизни англаб, ҳамшираликка қарор бердик: бундан буюғинда навқарлар хонадонларга жойлаштирилмасин. Навқарларим яланг ўтлоқ ва сувлоқ жойларда чодирларда умргузаронлик қилишин.

Кўкбулоқ қишлоғига кўёш мўраламасданок навқарларни хонадонлардан чиқариб, чодирларга жойладим ва шу тариқа эл осойишталигини таъмин этдим...

Хулоса шуки, ҳаётда эркак ва аёлнинг ўзига хос қиладиган иши, бажарадиган юмуши бор. Шунинг учун барча нарса ўз ўрнида бўлгани маъқул.

Муҳаббат ИБРАГИМОВА тайёрлади.

Тарихдан маълумки, соҳибқирон Амир Темураёлларни жуда ҳурмат қилган. Жангу жадаллари, юришлари қанчалик оғир, талафотли бўлмасин аёлларни камситувчи, таҳқирловчи ҳолатларга йўл қўймаган. Шу билан бирга, аёллар бажарадиган ишни эркаклар, эркаклар бажарадиган юмушларни аёл киши қилишига ижозат бермаган. Ҳар нарсада табиий мутаносиблик, тенгликка катта эътибор берганки, бу билан нафақат табиат, балки жамият қонунларида ҳам мувозанат йўқолмаслигини таъминлаган. Ўз ўғитларидан бирида шундай ҳикояси бор:

«Қарши қалъасини забт этиб, музаффарлик туғи билан қайтар эдим. Кечда Кўкбулоққа етиб, шу ерда тунамоқни ихтиёр этдим. Навқарларни хонадонларга тақсимлаб, ўзимиз сой бўйига яшил чодир тикдик. Субҳидам атрофга разм солмоқда эдим. Итти-

**Жамалак сочлари ўзига ярашиб турган жажжигина қизалоқ ҳозиргина хизматдан қайтган дадасининг бош кийимини кийди-да, тошойна олдиға югурди. Бир муддат кўзини яшнатиб турган бош кийимдаги ялтироқ тугроға, унинг ўртасида порлаб турган юлдузга ҳайрат тўла нигоҳи билан боқди-да, кейин уни бошидан авайлаб олиб, жажжи кўлчалари билан силай бошлади. Ювиниш хонасидан чиққан дадаси ойна орқали қизининг болаларга хос бўлмаган жиддий кўёфасини кузатаркан, ўйга толиб қолди...**

Ўшанда Айнура етти ёшда эди. Дадаси Абдувоҳид ака эса Тошкент вилояти Юқоричирик тумани ИИБда хизмат қиларди... Орадан ўтган – кейинги ўн йил давомида ИИБ Академиясида кафедра ўқитувчиси, катта ўқитувчи лавозимларида фаолият юритган подполковник А. Қурбонов одоб билан салом берган қизининг пешонасидан ўпди-да, уни ёнига ўтказди.

– Асал қизим, бу касб шунчаки ҳавасга танланмайди. У қанчалик шарафли бўлса, шунчалик машаққатли ҳамдир. Қиз бола учун эса, инчунун. Шунинг учун яна бир бор яхшилаб ўйлаб кўр.

Ички ишлар ходими бўлиш Айнура учун шунчаки ҳавас эмас, қатъий қарорга айланганига анча бўлган эди. Дадаси

# ИККИ ДУГОНА

ҳам, амакиси Абдуманнон ака ҳам узоқ йиллардан буён шу соҳада хизмат қилади. Яқиндагина акаси Айбек ҳам ота изидан бориб ИИБ Академиясига ўқишга кирган. Энди навбат уники...

Отаси бошлаб берган сулолани давом эттиришни ёшлигидан дилига туккан Айнура 2002 йил кириш имтиҳонларини муваффақиятли топшириб, тингловчилар сафига қабул қилинди. Эзгу ниятлару юксак мақсадлар йўлида чекилган заҳматлар, илм эгаллаш орзусида ўтказилган бедор тунларни орда қолдирган тингловчилик

йиллари ниҳоясига етиб, Академиянинг тергов фаолияти му-тахассислиги бўйича тўлиқ курсини самарали якунлади.

Юридик фанлар номзодлари, доцентлар А. Раҳмонқулов, Д. Миразов каби бир қатор малакали устозларидан назарий билим ва кўникмаларни ўрган-

Н. Беганова каби талабчан ва айни пайтда меҳрибон устозларидан ўқиб-ўрганиш натижасида етарли тажриба тўплаган Алеся амалий тажрибаларини назария билан уйғунлаштириш ва илмий изланишларини давом эттиряпти.

«Маъмурий ҳуқуқбузарлик-

лар тўғрисидаги ишларни таъминлаш чораларини ҳуқуқий тартибга солиш» мавзуидаги илмий изланишларини самарали ниҳоясига етказган А. Ярмаҳамедова адъюнктурани муддатидан олдин тугатиб, Академиянинг фуқаровий-ҳуқуқий фанлар кафедрасида ўқитувчилик қилаяпти. Айнура эса фалсафа ва ҳуқуқ институти директори, юридик фанлар доктори Р. Рўзиев раҳбарлигида илмий тадқиқот ишларини олиб бораёпти.

Алесяни нафақат бу соҳанинг барча пасту баландидан боҳабар турмуш ўртоғи Х. Азимов, ҳатто

эндигина етти ёшга қадам қўйган бўлса-да, ота-онаси танлаган касбнинг «юк»ини мурғак вужудида ҳис қилиб улгурган ўғли Амал ҳам ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлайди.

Устозлар, ҳамкасблар, дўстлар кўмагидан ва қўллаб-қувватлашидан руҳланган Айнура бу ҳақда шундай дейди:

– Агар оилада, хизматда ва илм даргоҳида ана шундай хайрихоҳлик ва ҳамкорлик бўлмаса, минг уринманг, ҳеч қандай ижобий натижага эриша олмай-сиз. Айниқса, бу соҳада соғлом оила муҳити, ундаги кишиларнинг сени қўллаб-қувватлаши ютуқлар гаровидир.

Айнура бундай ўзаро тушуниш ва ҳамфикрликни нафақат ички ишлар идоралари ходими бўлишдек ҳам шарафли, ҳам машаққатли касбни ардоқлаган дадаси, амакиси ва акаси томонидан, балки фарзандлари бахтини туну кун Яратгандан тиллашдан чарчамайдиган меҳрибон ва мушфиқ онажониси Марҳамат опа томонидан ҳам ҳамиша ҳис қилиб туради.

Темур ҚУРБОНОВ,  
подполковник.

ISSN 2010-5355

**O'ZBEKISTON  
RESPUBLIKASI  
IIV BIRLASHGAN  
TAHRIRIYATI**

MUASSIS:  
**O'ZBEKISTON  
RESPUBLIKASI  
ICHKI ISHLAR  
VAZIRLIGI**

Bosh muharrir o'rinbosari **Aleksandr VORGUDYAYEV**

Mas'ul kotib – **Rahmatilla BERDIYEV**  
Navbatchi – **Muhabbat IBRAGIMOVA**  
Sahifalovchi – **Zokir BOLTAYEV**  
Matn ko'chiruvchi – **Gulnora SODIQOVA**

**TELEFONLAR:** 231-30-40; 231-33-88; **Faks:** 232-05-51.  
**E-mail:** urmvd@inbox.uz

Ko'chirib bosishda «Postda»dan olinganligini ko'rsatish shart.  
Qo'lyozmalar tahlil qilinmaydi va qaytarilmaydi.

Tahririyat hisob raqami  
20210000700447980001,  
MFO 00421.  
«Ipak yo'li» aksiyadorlik  
innovatsion tijorat bankining  
Mirzo Ulug'bek bo'limi.  
INN 200637499.

«O'zbekiston»  
nashriyot-matbaa ijodiy  
uyi bosmaxonasida  
chop etildi. Korxona  
manzili: Alisher Navoiy  
ko'chasi 30-uy.

Gazeta haftaning shanba kuniani chiqadi.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va Axborot agentligida 2007 yil 11 yanvarda 0120 raqam bilan ro'yxatga olingan. Buyurtma J-7762. Bosilish – ofset usulida. Hajmi – 4 bosma taboq. 57009 nusxada chop etildi. Obuna raqamlari: Yakka tartibda – 180. Tashkilotlar uchun – 366. Bosishga topshirish vaqti – 23.00. Bosishga topshirildi – 23.00.

**MANZILIMIZ:** 100029, Toshkent,  
Yunus Rajabiy ko'chasi, 1.